ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Наманган муҳандислик–педагогика институти

«Қурилиш” факультети

«Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” кафедраси

«Гидравлика ва гидропневмоюритмалар” фанидан

МУАММОЛИ МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

5140900– Касб таълими йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Институт Услубий
Кенгашида тасдиқланган
«___” ________ 2006й.

Наманган – 2006

Аннотация

Мазкур «Маърузалар матни” 5140900– Касб таълими йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, «Гидравлика ва гидропневмоюритмалар” фани бўйича ўқув-ишчи дастурига мувофиқ 36 соатлик маъруза машғулотлари мавзуларини ўз ичига олган. Унда суюқликларнинг ва газларнинг мувозанат ва харакат қонунларини ўрганиш ҳамда бу йўналишдаги ўзгаришлар, муаммолар атрофлича ёритиб берилган.

Барча мавзулар бўйича таянч сўз ва ибораларнинг берилганлиги «Маърузалар матни”дан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Маърузалар матни «Мухандислик коммуникациялари қурилиши” кафедраси йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган.
Мажлис баёни № «___” __________2006й

Маърузалар матни «Қурилиш” факультети услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.
Мажлис баёни № «___” _________2006й

Муаллифлар: т.ф.н., доц. Баходиров А.
асс. Жўраев Ш

Тақризчи: Рашидов Ю.К. ТАҚИ, кафедра мудири.
Имомназаров О. Поп қурилиш ва маиший хизмат касб- ҳунар коллежи директори

Сўз боши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб порлоқ келажак сари дадил одим ташламоқда. Бунда келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар тарбиясига, уларнинг маънавий пок, инсоний фазилатларга бой бўлган чуқур билимли етук мутахассис бўлиб етишишларига катта эътибор берилмоқда.

Ёш мутахассис кадрларни тайёрлашда техник адабиётларнинг, шу жумладан дарслик ва ўқув қўлланмаларининг тутган ўрни беқиёсдир. Лекин бугунги кунда «Гидравлика ва гидропневмоюритмалар” фани бўйича мавжуд адабиётларнинг сон жихатдан ҳам, сифат жихатдан ҳам талаб даражасида эмаслиги хеч кимга сир эмас.

Бу йўналишдаги муаммоларни бироз бўлсада ҳал қилиш, «Гидравлика ва гидропневмоюритмалар” фанини талабалар томонидан чуқур ўзлаштиришга эришиш мақсадида мазкур» Маърузалар матни” тузилди.

«Маърузалар матни” биринчи бор ўзбек тилида ёзилганлиги учун унда хато ва камчиликларнинг бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу тўғрида фикр – мулохазаларини билдирган талаба ва ҳамкасабаларимизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Муаллифлар.

1 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: Кириш. «Гидравлика ва гидропневмоюритмалар» фанининг тарихи, бошқа фанлар билан алоқаси. Суюқликларнинг асосий физик хоссалари

Ўқув модул бирликлари:

1. «Гидравлика ва гидропневмоюритмалар» фанининг тарихи, бошқа фанлар билан алоқаси.
2. Суюқликларнинг мувозанат ва харакат қонунлари.
3. Суюқлик тўғрисида асосий тушунчалар.
4. Суюқликларга таъсир қилувчи кучлар ва суюқликларда босим.
5. Суюқликаринг физик хоссалари, солиштирма оғирлик ва солиштирма хажм.
6. Зичлик, суюқликларнинг хажм ўзгариши.

Таянч сўз ва иборалар:
Суюқликнинг мувозанати, харакат қонунлари, юза, босим йўналиш, бир-бирлик юзага берилган босим, идеал суюқлик, реал суюқлик, идеал ва реал суюқлик хоссалари, солиштирма оғирлик, хажм, зичлик, ёпишқоклик, иссиқлик кенгайиш, сиқилиш, суюқликнинг хажм ўзгариши, суюқликнинг ишқаланиши.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ
1.Қандай жисмлар сувда сузиб юради?

2. Гидравлика фанининг ривожланишига хисса қўшган олимлар ҳақида нималарни биласиз?

3. Суюқликларнинг асосий хоссаларини гапириб беринг?
4. Идиш сиртидан Н метр чуқурликда турган жисмга қандай кучлар таъсир этади.
5. Суюқликнинг асосий физик хоссалари ҳақида нима биласиз?

6. Суюқликларди ишқаланиш қандай вужудга келади?

7. Суюқликлар сиқилмайди деб ҳисобланади. Шу фикр тўғрими?
8. Қовушқоқликни қандай аниқлаш мумкин?

Суюқликларнинг мувозанат ва ҳаракат қонунларини ўрганувчи ҳамда бу қонунларни техниканинг ҳар хил соҳаларига тадбиқ этиш билан шуғулланувчи фан гидравлика деб аталади.

Гидравлика суюқликларда кучларнинг тарқалиши ва унинг ҳаракат давомида ўзгариб бориши қонунларини ҳар хил қурилмалар ва машиналарни хисоблаш ҳамда лойиҳалашга татбиқ этиш билан ҳам шуғулланилади.

Гидравлика шунингдек, гидротехника, ирригация, сув таъминоти ва канализация, нефть механикаси каби бир қанча фанларнинг асоси ҳисобланади. Инсоният тарихининг дастлабки даврларидаеқ сувдан фойдаланиш ҳаётда маълум ўрин эгаллаган. Археологик текширишлар одамлар жуда қадим замонларданоқ (эрамиздан 4000-2000 йиллар аввал) турли гидротехника иншоотлари қурилишни билганликларини кўрсатади.

Қадимги Хитойда, Мисрда, Грецияда, Римда, Ўрта Осиёда ва бошқа ибтидоий маданият ўчоқларида кемалар, тўғонлар, водопровод ва суғориш системалари бунёд этилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу қурилмаларнинг қолдиқлари ҳанузгача сақланиб қолган.

Бизгача етиб келган, гидравликага алоқадор илмий ишлардан биринчиси Архимеднинг «Сузиб юрувчи жисмлар ҳақида” асаридир. Суюқлик қонунларининг очилиши эрамизининг XVI-XVII асрларидан бошланди. Буларга Леонардо да Винчининг суюқликларнинг ўзандаги ва трубадаги ҳаракати, жисмларнинг сузиб юриши ва бошқаларга боғлиқ ишлари, С.Стевеннинг суюқликнинг идиш тубига ва деворларига таъсир қилувчи босим кучи, Г.Галилейнинг жисмларнинг суюқликдаги ҳаракати ва мувозанати ҳақидаги ишлари, Е.Торичеллининг суюқликларнинг кичик тешикдан оқиб чиқиши, Б.Паскалнинг босимнинг суюқлик орқали узатилиши тўғрисидаги, И.Ньютоннинг суюқликлардаги ички қаршиликлар қонуни ва бошқа ишлар киради. Кейинчалик суюқликларнинг мувозанат ва ҳаракат қонунлари икки йўналиш бўйича тараққий қила бошланди. Булардан бири тажрибаларга асосланган гидравлика бўлса, иккинчиси назарий механиканинг мустақил бўлими сифатида тараққий қила бошлаган назарий гидромеханика эди.

Назарий гидромеханика аниқ математикага асосланган бўлиб, суюқлик қонунларини дифференциал тенгламалар билан ифодалаш ва уларни ечишга асосланди. Бу назарий билимларнинг тараққий қилишига XVII-XVIII асрларда яшаган буюк математик-механик олимлар Л.Эйлер, Д.Бернулли, М.Ломоносов, Лагранжларнинг илмий асарлари асос бўлди. У вақтдаги ишлар соф назарий бўлиб, суюқликларнинг физик хоссаларини идеаллаштириб кўрар ва олинган натижалар ҳаракат тарзларини тўғри ифодалагани билан тажриба натижаларидан жуда узоқ эди. Шунинг учун бу ишлар гидромеханиканинг тараққиётида айтайлик муҳим рол ўйнамас эди ва гидромеханика ўша замон техникаси қўйган талабга жавоб бера олмас эди. XVIII-XIX асрларда Шези, Дарси, Буссинеск, Вейсбах ва бошқа олимларнинг ишлари ҳозирги замонда гидравлика деб аталувчи амалий фаннинг асосий бўлди.

Гидравлика ўз хулосаларини суюқлик ҳаракатининг соддалаштирилган схемаларини қараш асосида чиқаради ва одатда назарий тенгламаларга эмпирик коэффициентлар киритиб, уларни тажрибалар ўтказиш йўли билан аниқлайди. Шунингдек, гидравлика оқимнинг кесим бўйича ўртача тезлиги ва босимининг ҳаракат давомида йўлнинг бир нуктасидан иккинси нуқтасига ўтганда қандай ўзгариб боришини текшириш билан қаноатланади. Кейинчалик эса гидравлика билан гидромеханика фани ўзаро яқинлашиб, бир-бирини тўлдирувчи фанга айланади. Бу нарса асримиз бошида ижод этган олим Л.Прандтлнинг номи билан боғлиқдир.

Ҳозирги замон гидравликаси назарияни тажриба билан боғлаб, назарий текширишларни тажрибада синаш, тажриба натижаларини эса назарий асосда умумлаштириш йўли билан тараққий қилиб борувчи ва ўз текширишларида гидромеханиканинг усуллари ҳамда ютуқларидан фойдаланиб борувчи фандир.

Гидравликанинг тараққиётида рус олимларининг ҳам муҳим ҳиссаси бор. Гидромеханика фанининг асосчилари Д.Бернулли ва Л.Эйлр Петербург фанлар Академиясининг аъзолари бўлиб, Россияда яшаб, ижод этганлар. Н.П.Петровнинг гидродинамик сирпаниш назарияси, Н.Е.Жуковскийнинг гидромеханикадаги муҳим ишлари ва трубалардаги зарба назарияси, В.Г.Шуховнинг нефть қувурларини ҳисоблаш бўйича ишлари, А.Н.Криловнинг кемалар назарияси, Н.Н.Павловскийнинг суюқликларнинг фильтрацияси ва бошқа совет олимларининг ишлари дунё фанига қўшилган буюк ҳиссаси бўлиб ҳисобланади. Н.Е.Жуковский, С.А.Чаплигин ва Н.Е.Кочинлар замонавий аэродинамика ва газ динамикасининг асосчилари бўлиб, бу фанлар ҳозир ҳам самолёт ва ракеталар ҳаракатини ўрганишда ката роль ўйнайди.

Ҳозирги замон саноати ва техникасида ўзбек олими Х.А.Рахматулин асос солган кўп фазали муҳитлар гидродинамикаси муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон суғориш системасини, ҳимия саноатини, қишлоқ хўжалик саноатини ва техниканинг бир қанча соҳаларини насослар, компрессорлар, гидроузатмаар ва бошқа гидромашиналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Гидромашиналар – механик ҳаракатни суюқликнинг ҳаракатига ёки суюқликнинг ҳаракатини механик ҳаракатга айлантириб берувчи қурилмалардир. Гидромашиналарнинг юритмалар деб аталувчи турларида эса механик ҳаракат аввал суюқликнинг ҳаракатига айлантирилиб, сўнгра Яна механик ҳаракатга айлантирилади. Бу қурилмалар ўзига хос махсус қисмлардан ташкил топган бўлиб, бу курсда гидроюритмаларни гидромашиналардан алоҳида кўриб чиқилади.

Инсоният тарихда суюқлик ҳаракатини механик ҳаракатга айлантириб берувчи биринчи қурилма чрахпалак бўлиб, унинг Ўрта Оси ё, Ҳиндистон, Хитой ва Мисрда бундан 3000 йиллар аввал суғориш ишларида ва тегирмонларда қўлланилган маълум. Биринчи насос – поршенли насос бўлиб, инсон ёки ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган. Бу машиналар Россияда қадимдан маълум эди. М.В.Ломоносов ўз асарларида чуқур шахталардан сувни тортиб олишда фойдаланиш мақсадида насосларнинг тузилиши ва конструкцияларини келтирган. У бир қанча қурилмаларни чархпалак ёрдамида ҳаракатга келтириш усуллари устида ишлади ва амалда жорий этди. XVIII аср ўрталарида гидравлик қурилмалардан фойдаланувчи заводлар Уралнинг ўзида 150 дан ортиқ эди. И.И.Ползунов томонидан кашф қилинган (1765 йил.) буғ машинаси поршенли насосларни ҳаракатга келтириш учун кенг қўллана бошлади. Л.Эйлер (1707-1783 йиллар) ўзининг машҳур парракли гидромашиналар назариясини яратди ва парракли гидромашиналарнинг ишини ҳарактерловчи муҳим муносабатлари ҳосил қилди. Бу муносабатлар, 1835 йил А.А.Саблуков марказдан қочма насосни кашф этганидан кейин, гидравлик турбиналар ва марказдан қочма насосларни лойиҳалашда қўлланила бошлади.

В.Г.Шухов нефтни чуқур қудуқлардан чиқариб олиш учун поршенли насосларнинг бир қанча конструкцияларини ишлаб чиқди. Н.Е.Жуковский ва С.А.Чаплигинлар қаноатларнинг суюқликдаги ҳаракати назариясини яратдилар. Бу назария кейинчалик паррракларни ва йўналтирувчи қурилмаларни лойиҳалашда асос бўлиб хизмат қилди, турбина ва насослар тузилишидаги муҳим тараққитларга йўл очиб берди. И.И.Куколевскийнинг динамик ўхшашлик қонунларини марказдан қочма насосларни лойиҳалашда қўллаши насослар қурилиши бўйича лаборатория тажрибаларни илмий асосга қўйди.

Гидромашиналар каби гидроузатмалранинг ҳам айрим қисмлари қадим замонлардан қўлланилиб келган, лекин уларнинг ҳозирги замон тушунчасида (яни бир қанча қурилмалар комплексида) қўлланилиши яқин вақтларда бошланди. 1888 йила Россияда металлургия заводи инженерлари гидроузатмалардан фойдаланганликлари маълум. 1907 йилдан бошлаб денгиз флотида гидроузатмалар (гидротрансформатор ва гидромуфталар) қўлланила бошлади.

Ватанимиз тоғ саноатида гидроюритмалар 1933-1937 йиллардан фойдаланила бошланди. 1950 йилдан бошлаб гидромашиналар ва гидроузатмаларни мамлакатимиз саноатида қўлланилиш жуда тез тараққий қила бошлади.

Ҳозирги кунда бу қурилмалардан пахта териш машиналари, тракторлар, бульдозерлар, турли автомобиллар ва бошқа мезанизмларда кенг қўлланилмоқда.

Гидравлика ва гидромашиналар тараққиётининг истиқболлари юқорида айтилган миқёсда қуйидагиларни ўз ичига олади. Янада қувватлироқ ва фойдали иш коэффициенти юқорироқ насослар, турбиналар ва гидроузатмалар яратиш ва уларни амалда жорий этиш;

- гидромашиналарни ва гидротехник иншоотларни лойиҳалашда ҳозирги замонавий ҳисоблаш усулларини қўллаш ва ЭҲМ лардан кўпроқ фойдаланиш. Машиналарни автоматик бошқариш системалари асосида бошқаришга ўтиш;

- гидроузатмаларда қўлланиладиган иш суюқликларнинг арзонроқ ва сифатлироқ турларини яратиш, иш суюқликларининг тирқишлардан сизиб кетишини камайтириш йўлларини топиш;

- баъзи шароитларда машиналарнинг мойлаш системаларини такомиллаштириш ва уни асосиц қурилмадан ажратиш;

- гидромуфталарда иссиқликдан ҳимоя воситаларини такомиллаштириш ва янги конструкцияларини яратиш;

- пневмоузатмаларда сиқилган ҳаво тайрлаб берувчи қисмларни ва пневмосистемалардаги тирқишларни беркитувчи бўлмаларини яхшилаш ва ҳакозо.

ГИДРАВЛИКА. СУЮҚЛИКЛАРНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ

Суюқлик тўғрисида асосий тушунчалар

Жуда кичик миқдордаги кучлар таъсирида ўз шаклини ўзгартирувчи физик жисмлар *суюқликлар* деб аталади. Улар қаттиқ жисмлардан ўз заррачаларининг жуда харакатчанлиги билан ажралиб туради ва оқувчанлик хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун улар қайси идишга қўйилса, ўшанинг шаклини олади.

Гидравликада суюқликлар икки группага: *томчиланувчи* (капельние) *суюқликларга* ва *газсимон суюқликларга* ажралади. Суюқлик деганда томчиланувчи суюқликни тушунишга одатланилган бўлса, улар сув, спирт, нефть, симоб, турли мойлар ва табиатда ҳам техникада ҳам учраб турувчи бошқа ҳар хил суюқликлардир.

Томчиланувчи суюқликлар бир қанча хусусиятларга эга:

1) ҳажми босим таъсирида жуда кам ўзгаради ва сиқилишга қаршилиги жуда катта;

2) харорат ўзгариши билан ҳажми оз миқдорда ўзгаради;

3) чўзувчи кучларга деярли қаршилик кўрсатмайди;

4) сиртида молекулалараро ўзаро қовушқоқлик кучи юзага келади ва у сирт таранглик кучини юзага келтиради.

Томчиланувчи суюқликнинг бошқа хусусиятлари тўғрисида кейинчалик яна тўхталиб ўтамиз.

Газлар томчиланувчи суюқликлардагига нисбатан ҳам тезроқ харакатланувчи заррачалардан ташкил топган бўлиб, улар босим ва температура таъсирида ўз ҳажмини тезроқ ўзгартиради. Улардан чўзувчи кучга қаршилик ва қовушқоқлик кучи томчиланувчи суюқликларга нисбатан жуда ҳам кам. Газлар билан газ динамикаси, термодинамика ва аэродинамика фанлари шуғулланади.

Гидравлика курси асосан томчиланувчи суюқликлар билан шуғулланади. Шунинг учун буни бундан буён тўғридан-тўғри суюқлик деб атайверамиз.

Суюқликлар туташ жисмлар қаторига киради ва мувозанат ҳамда ҳаракат ҳолларида доимо қаттик жисмлар (суюқлик солинган идиш туби ва деворлари, труба ва каналларнинг деворлари ва бошқалар) билан чегараланган бўлади. Суюқликлар газлар (ҳаво) билан ҳам маълум чегара бўйича ажралиши мумкин. Бу чегара эркин сирт (свободная поверхностр) деб аталади.

Суюқликлар силжитувчи кучларга сезиларли даражада қаршилик кўрсатади ва бу қаршилик ички кучлар сифатида намоён бўлади. Уларни аниқлаш суюқликлар ҳаракатини текширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Суюқликларга таъсир қилувчи кучлар

Суюқликларга таъсир қилувчи кучлар қўйилиши усулига қараб ички ва ташқи кучларга ажралади:

ички кучлар - суюқлик заррачаларининг ўзаро таъсири натижасида юзага келади;

ташқи кучлар - суюқликка бошқа жисмларнинг таъсирини ифодалайди (масалан, суюқлик солинган идиш деворларининг таъсири, очиқ юзага таъсир қилаётган ҳаво босими ва ҳ.).

Ички кучлар силжитувчи кучларга қаршилик сифатида намоён бўлади ва *ички ишқаланиш кучи* дейилади. Ташқи кучларни юза бўйича ва ҳажм бўйича таъсир қилувчи кучлар сифатида кўриш мумкин. Шунинг учун суюқликларга таъсир қилувчи кучлар юза бўйича ёки ҳажм бўйича таъсир қилинишига қараб юзаки ва масса кучларига бўлинади.

Юзаки кучлар - қаралаётган суюқлик ҳажмининг сиртларига таъсир қилувчи кучлардир. Уларга босим кучи, сирт таранглик кучи, суюқлик солинган идиш деворининг реакция кучлари, ишки ишқаланиш кучи киради. Ички ишлақаланиш кучлари суюқлик ҳаракат қилинган вақтда юзага келади ва қовушқоқлик хусусиятини юзага келтиради (аввалги параграфга қаранг).

Масса кучлари - қаралаётган суюқликнинг ҳажмининг ҳир бир заррасига таъсир қилади ва унинг массасига пропорционал бўлади. Уларга оғирлик ва инерция кучлари киради.

Суюқликларда босим

Суюқликларга таъсир қилувчи асосий кучлардан бири *гидростатик* босимдир. Бу ерда мувозанат ҳолатидаги суюқликнинг ихтиёрий ҳажми ифодаланган. Бу ҳажм ичида ихтиёрий *A* нуқта олиб, ундан *BC* текислик ўтказамиз. Натижада ҳажм икки қисмга ажралади. *BC* сиртда *A* нуқта атрофида бирор *S* юза ажратамиз. Ҳажмнинг *I* қисми орқали *II* қисмига *BC* юза бўйича босим кучи берилади.

Бу кучнинг *S* юзага таъсир қилган қисмини *P* билан белгилаймиз.

қаралаётган *S* юзага таъсир қилувчи *P* куч *гидростатик босим кучи* ёки қисқача *гидростатик куч* дейилади. *P* кучи *II* қисмга нисбатан ташқи куч, бутун ҳажмга нисбатан эса ички куч ҳисобланади. *P* кучнинг *S* юзага нисбати бу юзанинг бирлик миқдорига таъсир қилувчи кучни беради ва у ўртача гидростатик босим деб аталади:

$$p_{ур} = \frac{P}{S}, \tag{1.1}$$

Агар *S* юзани кичрайтира бориб, нуқтага интилтирсак (S→0), $p_{ўр}$ бирор чегаравий нуқтага интилади:

$$p_{ур} = \lim_{S \to 0} \frac{P}{S} \tag{1.2}$$

Бу қиймат *A* нуқтага таъсир қилаётган босимни беради ва у гидростатик босим деб аталади. Умумий ҳолда гидростатик босим *p* билан ўртача гидростатик босим $p_{ўр}$ тенг эмас. Улар бири биридан кичик миқдорга фарқ қилади.

Гидростатик босим Н/м^2 билан ўлчанади.

Суюқликнинг физик хоссалари.

1. Солиштирма оғирлик. Суюқликнинг ҳажм бирлигига тенг миқдорининг оғирлиги унинг *солиштирма оғирлиги* деб аталади ва грекча γ ҳарфи билан белгиланади. Юқорида айтилган таърифга асосан

$$\gamma \text{қ} \frac{G}{V} \tag{2.1}$$

бу ерда V - суюқлик ҳажми (бирилиги м^3), G – оғирлиги (бирлиги Н). Солиштирма оғирликнинг ўлчов бирлиги СИ системасида

$$[\gamma] \text{қ} \frac{[G]}{[V]} = \frac{H}{M^3},$$

техник системада эса $\frac{k\Gamma}{M^3}$ бўлиб, улар ўзаро қуйидагича боғланган:

$$1\frac{k\Gamma}{M_3} \text{қ} 9{,}80665\frac{H}{M^3}$$

Солиштирма оғирлик ҳажми аввалдан маълум бўлган турли идишлардаги суюқликларнинг оғирлигини ўлчаш усули билан ёки ареометр ёрдами билан аниқланади.

Солиштирма оғирлик босимга ва температурага боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги муносабат идеал газлар учун қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\frac{p}{\gamma} = RT \tag{2.2}$$

бу ерда p - босим, $\left(\frac{H}{M_2}\right)$, T - абсальют температура R - газ доимийси

$$\left(R_{хаво} \text{қ} 287 \frac{Ж}{кГ\cdot град},\quad R_{метан} \text{қ} 518 \frac{Ж}{кГ\cdot град}\right)$$

Суюқлик солиштирма оғирлигининг 4^{0}С даги сувнинг солиштирма оғирилигига нисбати унинг нисбий солиштирма оғирилиги бўлади.

2. Солиштирма ҳажм. Суюқликнинг оғирлик бирлигидаги миқдорининг ҳажми *солиштирма ҳажм* дейилади ва ҳажмни оғирликка бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{v} \text{қ} \frac{V}{G} \tag{2.3}$$

(2.1) ва (2.3) формулалардан кўриниб турибдики:

$$\gamma\cdot\text{v}\text{қ}1 \text{ ёки } \text{v}\text{қ}\frac{1}{\gamma}$$

Солиштирма ҳажмнинг ўлчов бирилиги СИ системасида:

$$[\text{v}] \text{қ} \frac{[V]}{[G]} = \frac{M^3}{H}$$

Солиштирма ҳажм ҳам солиштирма оғирлик каби босим ва температурага боғлиқ бўлиб, у (2.3) нинг бошқа кўриниши

$$pv\text{қ}RT \tag{2.4}$$

орқали ифодаланади.

3. Зичлик. Суюқликнинг ҳажм бирлигига тўғри келган тинч холатдаги массаси унинг *зичлиги* деб аталади. Бу таърифга асосан

$$рқ\frac{M}{V} \qquad (2.5)$$

бунда M - суюқликнинг массаси (бирлиги $\frac{H \cdot c^2}{M}$)

Зичликнинг ўлчов бирлиги қуйидагича аниқланади:

$$[p] = \frac{M}{L^3} = \frac{H \cdot c^2}{M^4}$$

Баъзан нисбий зичлик тушунчаси киритилади. Суюқлик зичлигининг сувнинг 4^0С иссиқликдаги зичлигига нисбати унинг нисбий зичлиги бўлади. (2.4) ва (2.1) лардан кўриниб турибдики, зичлик билан солиштирма оғирлик ўзаро қуйидагича боғланган:

$$рқ\frac{\gamma}{g}$$

у ҳолда нисбий зичлик ва нисбий солиштирма оғирликлар ўзаро қуйидагича боғланади:

$$р_{нисб}қ\frac{M_{суюқ}}{M_{сув}}қ\frac{G_{суюқ}}{G_{сув}}қ\gamma_{нисб} \qquad (2.6)$$

Зичлик температурага боғлиқ бўлиб, одатда, температура ортиши билан камаяди. Бу ўзгариш нефть махсулотлари учун қуйидаги муносабат орқали ифодаланади:

$$p_t = \frac{p_{20}}{1 + \beta_t (t - 20)} \qquad (2.7)$$

бунда t - температура (бирлиги ^{0}С), β_t - ҳажмий кенгайиш температура коэффициенти; p_{20} - суюқликнинг 20^0С даги зичлиги.

Сувнинг зичлиги бу қонундан мустасно бўлиб, унинг зичлиги энг катта қийматга 4^0С (аниқроғи $3{,}98^0$С) да эга бўлади. Унинг иссиқлиги бундан ошса ҳам, зичлиги камайиб боради.

4. Суюқликларнинг иссиқликдан кенгайиши. Юқорида айтиб ўтилганидек, зичлик иссиқлик ўзгариши билан ўзгариб боради. Бу эса ўз-ўзидан иссиқлик ўзгариши билан ҳажмнинг ўзгаришини кўрсатади. Суюқликларнинг бу хусусиятини гидравлик машиналарни ҳисоблаш ва турли масалаларни ҳал қилиш вақтида назарга олиш зарур бўлади.

Суюқликнинг иссиқликдан кенгайишини колбага солинган суюқликнинг қиздирилганда ҳажмни кўпайиши, суюқлик тўлдирилиб герметик ёпиб қўйилган бочка ва цистерналарнинг қуёш нурида қолганда ёрилиб кетиши, тўлдирилган идишдаги суюқликнинг сиртидан оқиб тушиши каби ходисаларда жуда кўп учратиш мумкин.

Суюқликларнинг бу хусусиятидан фойдаланиб суюқлик термометрлари ва бошқа турли сезгир ўлчов асбоблари яратилади. Суюқликларнинг иситилганда кенгайишини ифодалаш учун ҳажмий кенгайиш температура коэффициенти деган тушунча киритилиб, у β_t билан белгиланган.

Бирлик ҳажмдаги суюқликнинг температураси 1^0С га оширилганда кенгайган миқдори унинг *ҳажмий кенгайиши температура коэффициенти* дейилади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\beta_t = \frac{1}{V}\frac{\Delta V}{\Delta t} \tag{2.8}$$

бунда *ΔV*қ*V*-V_c-киздирилгандан кейинги ва бошланғич ҳажмлар фарқи; *Δt*қ*t*-t_0 - температурлар фарқи;

$$[\beta_t]қ\frac{1}{\text{град}}$$

β_t жуда кичик миқдор бўлиб, у сув учун *t*қ20^0С да β_tқ$2\cdot10^{-4}\frac{1}{\text{град}}$, минерал мойлар учун β_tқ$7\cdot10^{-4}$/град; симоб учун β_tқ$18\cdot10^{-5}\cdot1$/град.

5. Суюқликларнинг сиқилиши. Гидравлик ҳисоблаш ишларида суюқликларни сиқилмайди деб ҳисоблаш керак, деб айтиб ўтган эдик (бу ерда томчиланувчи суюқлик назарда тутилади).

Лекин техникада ва табиатда баъзи холларда босим жуда катта бўлади. Бунда агар суюқликнинг умумий ҳажми ҳам катта бўлса, ҳажм ўзгариши сезиларли миқдорда бўлади ва уни ҳисобга олиш керак.

Суюқликларнинг сиқилишини ҳисобга олиш учун *ҳажмий сиқилиш коэффициенти* деган тушунча киритилади ва у β_p билан белгиланади (баъзида β_v билан белгиланади). Бирлик ҳажмдаги суюқликнинг босимини бир бирликка оширганда камайган миқдори ҳажмий сиқилиш коэффициенти дейилади ва у қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\beta_p = -\frac{1}{V}\frac{\Delta V}{\Delta p} \tag{2.9}$$

бунда *Δр*қ*р*-p_0 - ўзгарган ва бошланғич босимлар фарқи; β_p ҳам β_t каби жуда кичик миқдор бўлиб, сув учун *t*қ20^0С да β_pқ$4{,}9\cdot10^{-4}$ $м^2$/МН (МН-меганьютонқ10^6 Н≈10ат), минерал мойлар учун β_pқ$6\cdot10^{-4}$ $м^2$/МН; шунинг учун ҳам кўп ҳолларда сиқилишни ҳисобга олинмайди.

Суюқликлардаги ишқаланиш учун Ньютон қонуни. қовушқоқлик

Қовушқоқлик ҳодисаси суюқликларнинг ҳаракати вақтида юзага келади ва ҳаракатланаётган заррача ҳаракатига қаршилик сифатида намоён бўлади. Бу қаршиликни енгиш учун маълум миқдорда куч сарфлаш керак бўлиб, қовушқоқлик қанча кучли бўлса, сарфлаш керак бўлган куч ҳам шунча кўп бўлади. Қовушқоқлик даражасини қовушқоқлик коэффициенти деб аталувчи катталик билан ифодаланади ва у икки хил коэффициент орқали аниқланади ҳамда аниқланиш усулига қараб динамик ва кинематик қовушқоқлик коэффициентларига бўлинади.

Динамик қовушқоқлик коэффициенти. Суюқликнинг катта юзага эга бўлган идишга солиб, унинг юзига бирор пластинка қўйсак ва бу пластинкани маълум бир куч билан торта бошласак, суюқлик заррачалари пластинка сиртига ёпишиши натижасида ҳаракатга келади. Агар пластинкани қўйилган *F* куч таъсирида олган тезлиги *U* бўлса, у билан ёнма-ён турган заррачалар ҳам *U* тезликка эга бўлади. Идишнинг пастки девори ҳаракатга келмаганлиги сабабли унинг сиртидаги заррачалар ҳаракат қилмайди. Шундай қилиб, суюқликнинг қалинлиги бўйича хаёлан бир қанча юпқа қатламлар бор фараз қилсак, ҳар қатламда заррачалар тезлиги ҳар хил бўлиб, у пластинкадан пастки деворга томон камайиб боради. Ҳаракат ихтиёрий қатламга, унинг устида жойлашган бошқа қатлам заррачалари орқали берилади. Бу ҳаракат суюқлик қатламларининг деформацияланишига олиб келади. Агар суюқлик ичида пастки сирти идишнинг ҳаракатсиз деворидан $у_1$ масофада, устки сирти эса $у_2$ масофада бўлган қатламни кўз олдимизга келтирсак, юқорида айтилган сабабларга асосан унинг пастки сиртида тезлик u_1, юқориги сиртида эса u_2 бўлади. Шундай қилиб, олинган қатламнинг қалинлиги $\Delta у\text{қ}у_2\text{-}у_1$ бўйича суюқлик тезлиги $(u_2\text{-}u_1)\text{қ}\Delta u$ миқдорга ўзгаради, яъни қатламнинг юқориги сирти пастки сиртида нисбатан силжиб қолади ва қатлам деформацияланади. Силжиш бурчагини α деб белгиласак, силжиш катталиги $tg\alpha\text{қ}$ бўлади. Қатлам қалинлигини чексиз кичрайтириб дифференциал белгилашга ўтсак, у ҳолда юқоридаги нисбат тезлик градиентини беради. Агар суюқлик сиртидаги пластинкага қанча кўп куч қўйсак, силжиш шунча кўп бўлади. Бу нарса қўйилган куч билан тезлик градиенти орасида қандайдир боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, суюқликлардаги ички ишқаланиш кучи градиентига боғлиқ эканлигини тушуниш мумкин.

1686 й. И.Ньютон ана шу боғланишни чизиқли боғланишдан иборат деган гипотезани олдинга сурди. Бу гипотезага асосан суюқликнинг икки ҳаракатланувчи қатламлари орасидаги ишқаланиш кучи *F* қатламларнинг тегиб турган сирти (*S*) га тезлик градиентига тўғри пропорционал, яъни:

$$F\text{қ}\pm\mu S\frac{du}{dy} \tag{2.10}$$

Пропорционаллик коэффициенти μ қовушқоқлик динамика коэффициенти деб қабул қилинган. Ньютон гипотезаси кейинчалик Н.П.Петров томонидан назарий асослаб берилди. Албатта ҳисоблаш ишларини осонлаштириш учун ишқаланиш кучининг бирлик юзасига тўғри келган миқдори ёки гидравликада уринма зўриқиш (ишқалаиш кучидан зўриқиш) деб аталган миқдорга ўтиш зарур бўлади. Бу миқдорни грекча τ ҳарфи билан белгиланади:

$$\tau\text{қ}\frac{F}{S}\text{қ}\pm\mu\ \frac{du}{dy} \tag{2.11}$$

бу ерда мусбат ва манфий ишора тезлик градиентининг йўналишига қараб танлаб олинади.

Проф. К.Ш.Латиповнинг ишларида уринма зўриқиш икки ташкил этувчининг йиғиндисидан иборат деб қараш зарурлиги кўрсатилди:

$$l_p\text{қ}\mu\frac{du}{dy}\text{-}\int\lambda_p(1\text{-}\varphi_2)udy\text{Қ}B \tag{1.11a}$$

бу ерда $\lambda_p\text{қ}(1\text{-}\varphi_2)$- бир қаватдан иккинчи қаватга молекулаларнинг ўтишини билдирувчи коэффициетдир.

(2.11) формуладан кўринадики, ишқаланаши кучидан зўриқиш тезлик градиентига (ёки умумийроқ қилиб айтганда тезликнинг нормал бўйича ҳосиласи)га тўғри пропорционалдир.

Қовушқоқлик коэффициентининг бирлиги СИ да қуйидагича:

$$[\mu]\text{қ}\frac{[\tau]}{[du]}=\frac{H\cdot c}{M^2}$$

СГС системасида эса $\frac{\Delta\mathrm{NHA}\cdot c}{M^2}$ билан ўлчанади. Бу бирлик Пуаз (ПЗ) деб ҳам аталади.

Коэффициент жуда кичик бўлганда сантипуаз (спз) ва миллипуаз (мпз) ларда ҳам ўлчаниши мумкин.

Кинематик ковушоқлик коэффициенти. Гидравликадаги кўпгина ҳисоблаш ишларида μ нинг ρ га нисбати билан ифодаланувчи ва кинематик қовушқоқлик коэффициенти деб аталувчи миқдордан фойдаланиш қулайдир. Бу миқдор грекча ν ҳарфи билан белгиланади:

$$\nu қ \frac{\mu}{\rho} \tag{2.12}$$

ν нинг СИ даги бирлиги $\frac{M^2}{C}$, СГС системасида $\frac{CM^2}{C}$ ёки стокс (ст) билан ифодаланади. Справочникларда ва техник адабиётда унинг кичик ўлчамлари ҳам (сантистокс - сст) учрайди. $1 м^2/сқ10^4$ стқ10^6 сст.

Қовушқоқлик коэффициентини аниқлаш учун вискозиметр деб аталувчи асбоб қўлланилади. Сувга нисбатан ёпишқоқлиги катта бўлган суюқликлар учун Энглер вискозиметри қўлланилади (1.3-расм). У бирининг ичига иккинчиси жойлашган *I*, 2 икки идишдан иборат бўлиб, улар орасилаги бўшлиқ сув билан тўлдирилади. Ички идиш 2 нинг сферик тубига диаметри 3 мм ли найча кавшарланган, у тиқин 5 билан беркитилган бўлади.

Ички идишга текширилаётган суюқлик қуйилиб, унинг температураси икки идиш оралиғидаги сувни қиздириш йўли билан зарур бўлган температурагача етказилади. Текширилаётган суюқлик температураси термометр 6 ёрдамида ўлчаб турилади. Суюқлик зарур температура *t*` гача қизигандан сўнг тиқин очилади ва секундомер ёрдамида 200 $см^3$ суюқлик 3 оқиб чиққан вақт белгиланади. Худди шундай тажриба tқ20^0С да дистилланган сув билан ҳам ўтказилади. Текширилаётган суюқликнинг tқ20^0С дан оқиб чиққан вақтларнинг нисбати қовушқоқликнинг шартли градуслари ёки Энглер градусларини билдиради.

$$^0Eқ\frac{T_{суюқлик}\ t`}{T_{сув\ tқ20°C}}$$

Энглер градусидан $м^2/с$ га ўтиш учун Уббелоде формуласи қўлланилади:

$$\nu қ(0{,}0731^0E-\frac{0{,}0631}{^0E}\ 10^{-4} \tag{2.13}$$

Қовушқоқликни аниқлаш учун копиляр визкозиметр, ротацион вискозиметр, стокс вискозиметр ва бошқа турли вискозиметрлар ҳам қўлланилади.

Қовушқоқлик суюқликларнинг турига, температураси ва босимига боғлиқ. Жадвалларда ҳар хил суюқликларнинг қовушқоқлик миқдори келтирилган. Температура ортиши билан совуқланувчи суюқликларнинг ковушоқлиги камаяди, газларнинг қовушқоқлиги ортади. Суюқликлар қовушқоқлигини температурага боғлиқлигини умумий тенглама билан ифодалаб бўлмайди.

Ҳар хил ҳисоблаш ишлари бажарилганда, кўпинча, қуйидаги формулалардан фойдаланилади.

Ҳаво учун $\nu қ(0{,}132Қ0{,}000918tҚ0{,}00000066t^2)\cdot 10^{-4}\ м^2/с$ (2.14)

Сув учун $$v_t = \frac{0{,}0177}{1 + 0{,}0337t + 0{,}000221t^2}\cdot 10^{-4}\ \frac{M^2}{c} \tag{2.15}$$

Гидроюритмаларда қўлланувчи турли минерал мойлар учун температура 30^0С дан 150^0С гача (E 10 гача) бўлганда

$$\nu_t = \nu_{50}\left(\frac{50}{t}\right)^n \qquad (2.16)$$

Бу ерда ν_t,ν_{50} - тегишли температурада ва 50^0С да кинематик қовушқоқлик коэффициенти, ^{0}С да; n - даража кўрсаткичи; унинг миқдори қуйидаги жадвалда $^0E_{50}$ нинг турли миқдорлари учун келтирилган:

$^0E_{50}$	1,2	1,5	1,8	2	3	4	5	6	7	8	9	10
n	1,39	1,59	1,72	1,79	1,99	2,13	2,24	2,32	2,42	2,49	2,52	2,56

Турли суюқликларнинг ковушоқлиги бошланғич қовушқоқлик ва температурасига қараб турлича ўзгаради. Кўпчилик суюқликларнинг қовушқоқлиги босим кўтарилиши билан ортади. Минерал мойларнинг қовушқоқлиги босимнинг 0-50 МН/м^2 чегарасида тахминан чизиқли ўзгаради ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\nu_pҚ\nu_0(1Қk_0p) \qquad (2.17)$$

бу ерда ν_p ваν_0 - тегишли босимда ва атмосфера босимида кинематик қовушқоқлик коэффициенти, p - қовушқоқлик ўлчанган босим, МН/м^2: k_p - экспериментал коэффициент, унинг миқдори гидроюритмаларни ҳисоблашда юқорида айтилган чегарада 0,03 га тенг деб қабул қилинади.

Газларнинг суюқликда эриши. Кавитация ҳодисаси ҳақида тушунча

Табиатда ва техникада суюқлик унда ҳавонинг таркибидаги газлар оз миқдорда эриган ҳолда учрайди. Босим ортиши ёки температура камайиши билан эриган газлар миқдори ортади ва аксинча, босим камайганда ёки температура ортганда уларнинг миқдори камаяди. Шунинг учун босим камайиши ёки температура ортиши билан суюқликдаги эриган газларнинг бир қисми ажралиб чиқиб, пуфакчалар хосил қилади, яъни юқорида айтилганга кўра босим камайганда сув ҳам буғланади, лекин енгил компонент сифатида эриган газлар тезроқ ажралиб чиқиб, пуфакчалар хосил қилади. Бошқача айтганда бу ҳолат суюқликдаги босимнинг ундаги газнинг тўйинган буғлари босимига тенг бўлганда вужудга келади. Газ пуфакчалари пайдо бўлиши билан суюқликнинг туташлиги бузилади ва туташ муҳитларга таолуқли қонунлар ўз кучини йўқотади. Бу ҳодиса *кавитация* дейилади. Пуфакчалар суюқлик ичида температурали ёки юқори босимли сохалар томонга қараб ҳаракат қилади. Агар у етарли даражада босимга эга бўлган сохага келиб қолса, яна эриб кетади (агар буғ бўлса, конденсацияланади). Эриган газ ўрнида пайдо бўлган бўшлиққа суюқлик заррачалари интилади ва бўшлиқ кескин ёпилади. Бу эса ҳозиргина бўшлиқ бўлган ерда гидравлик зарбани вужудга келтиради ва натижада бу ерда босим кескин ортиб, температура кескин камаяди.

Бундай гидравлик зарба ва уни вужудга келтирган кавитация ходисаси труба деворлари ва машиналарнинг суюқлик ҳаракат қилувчи қисмларининг бузилишига олиб келади (кавитацияга қарши кураш усуллари тўғрисида кейинчалик тўхталамиз).

Идеал суюклик модели

Суюкликларнинг харакати текширилганда, одатда, хамма кучларни хисобга олиб булмагани учун,уларнинг суюклик мувозанати еки харакати холатига таъсири катта булганларини саклаб колиб,таъсири кичикларини ташлаб юборамиз. Шу усул билан суюкликлар учун идеал ва реал суюкликлар модели тузилади. Хозирги вакта суюклик харакати ифодаловчи умуйтенгламалар жуда мураккаб булиб, уни ечишни осонлаштириш учун юкорида айтилгандек соддалаштиришлар киритилади. Бундай соддалаштиришлар эса суюкликларнинг физик хоссаларига чегара куяди ва бу суюкликлар идеал суюкликлар дейилади. Идеал суюкликлар обсолют сикилмайдиган, исикликдан хажми узгармайдиган,чузув ва силжитувчи кучларга каршилик курсатмайдиган абстрак тушунчадаги суюкликлардир.

Реал суюкликларда эса юкорида айтилган хосалар мавжуд булиб, одатда сикилиши, иссикликдан кейгайиши ва хажм узгариши жуда кичик микдорга эга. Шунинг учун бу соддалаштиришлар ҳисоблашда унчалик кўп хато бермайди. Идеал суюқликларнинг реал суюқликлардан ката фарқ қилишига олиб келадиган асосий сабаб, бу – силжитувчи кучга қаршилик кўрсатиш хоссаси, яъни ички ишқаланиш кучи бўлиб, унинг бу хусусиятини қовушоқлик деган тушунча орқали ифодаланилади. Шунга асосан идеал суюқликларни ноқовушоқ (невязкий), реал суюқликларни эса қовушоқ суюқлик дейилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Суюқликнинг мувозанати.
2. Суюқликнинг харакат қонунлари.
3. Реал суюқлик нима?
4. Идеал суюқлик нима?
5. Босим нима?
6. Суюқлик тўғрисида асоосий тушунчалар.
7. Суюқликнинг юзага берган босимини тушунтиринг.
8. Суюкликларнинг мувозанат ва харакат қонунларини тушунтиринг.
9.Суюклик тўғрисидаги асосий тушунчаларни айтинг.
10.Суюкликларда босим кандай булади?
11. Зичлик, солиштирма оғирлик, суюқлик массаси.
12. Суюқликни иссиқлик кенгайиши, суюқликни босим остида хажм ўзгариши.
13. Суюқликнинг ишқаланиши, суюқликнинг қаршилиги.
14. Солиштирма оғирлик ва солиштирма хажм ҳакида тушунтиринг.

2 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: Гидростатика. Гидростатиканинг асосий хоссалари. Гидростатиканинг асосий тенгламаси. Босим турлари.

Ўқув модул бирликлари:

1. Гидростатик босимнинг 1 - хоссаси.
2. Гидростатик босимнинг 2 - хоссаси.
3. Гидростатиканинг асосий тенгламаси.
4. Босим турлари

Таянч сўз ва иборалар:

Босим йўналиш, босим миқдори, уринма йўналиш, нормал йўналиш, босим бирлиги, юза бирлиги.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ

1. Суюқликка ботирилган жисмга қандай кучлар таъсир этади?

2. Жисмлар суюқликда қачон сузади?

3. 1.1-расмдаги жисмга қандай кучлар таъсир этаяпти

ГИДРОСТАТИКА

Гидравликанинг суюқликлар мувозанат қонунларини ўрганувчи бўлими гидростатика деб юритилади. Бу қонунларни текшириш суюқликлар орқали кучларни узатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, гидростатика суюқликларга тўлиқ ёки қисман ботирилган қаттиқ жисмларнинг мувозанат қонунларини ҳам ўрганади.

Одатда, суюқликлар мувозанат ҳолда бўлганда унинг айрим бўлакларининг бошқа бўлакларига бўлган таъсири, суюқлик сақланаётган идиш деворларига ва унга ботирилган жисмга таъсири босим орқали ифодаланади.

Тинч турган суюқликдаги босимнинг хоссалари

Тинч турган суюқликдаги босим (яъни гидростатик босим) иккита асосий хоссага эга:

1-хосса *- гидростатик босим у таъсир қилаётган юзага нормал бўйича йўналган бўлади.* Бу хоссанинг тўғрилигини исботлаш учун гидростатик босим p ўзи таъсир қилаётган юзага нормал бўйича йўналмаган деб фараз қиламиз. Бу ҳолда p нормал ва уринма йўналишларда проекцияларга эга бўлади.

Уринма йўналишидаги проекция *I* ва *II* қисмларининг бир-бирига нисбатан силжишига олиб келади. Суюқлик мувозанатда бўлгани учун p нормал бўйича йўналмаган деган фикр нотўғри эканлиги келиб чиқади.

2-хосса *-гидростатик босим у таъсир қилаётган нуқтада ҳамма йўналишлар бўйича бир хил қийматга эга*. Бу хоссани исботлаш учун суюқлик ичида томонлари dx, dy, dz га тенг бўлган тетраэдр ажратиб оламиз. Тетраэдрнинг қия юзасига P куч таъсир қилсин. У ҳолда yOz текисликдаги юза бўйича P_x,yOz текисликдаги юза бўйича эса P_z кучлар таъсир қилади. қия юзанинг сирти dS га тенг деб ҳисоблаймиз.



3.1.-расм. Босимларнинг хоссаларига доир чизма.

Агар гидростатик босим Ox ўқи билан α, Oy ўқи билан β, Oz ўқи билан γ бурчак ташкил қилса, у ҳолда dS юзага таъсир қилаётган куч (pdS) нинг ўқлардаги проекциялари $pdS\cos\alpha$, $pdS\cos\beta$, $pdS\cos\gamma$ ларга тенг. Оғирлик кучи эса

$$Gқ pgdVқ\frac{1}{6}pgdxdydz$$

Суюқлик мувозанатда бўлгани учун кучларнинг ўқлардаги проекцияларининг йиғиндиси нолга тенг, яъни Ox ўқи бўйича

$$\frac{1}{2}p_x dydz\text{-}pdScos\,\alpha\text{қ}0$$

Oy ўқи бўйича

$$\frac{1}{2}p_y dydz\text{-}pdScos\,\beta\text{қ}0$$

Oz ўқи бўйича

$$\frac{1}{2}p_я dydz\text{-}pdScos\,\gamma\text{-}\frac{1}{6}pgdxdydz\text{қ}0$$

dS юзанинг проекциялари қуйидагиларга тенг:

$$\mathrm{Scos}\alpha\text{қ}\frac{1}{2}dydz,\ \mathrm{Scos}\beta\text{қ}\frac{1}{2}dxdz,\ \mathrm{Scos}\gamma\text{қ}\frac{1}{2}dxdz$$

Юқоридаги тенгламалар қисқартирилгандан кейин қуйидагича ёзилади:

$$p_x\text{-}p\text{қ}0;\ p_y\text{-}p\text{қ}0;\ p_z\text{-}p\text{қ}0;\ pz\text{-}p\text{-}\frac{1}{3}pgdz\text{қ}0$$

Тетраэдрнинг томонлари чексиз кичик қийматга интилганда у нуқтага яқинлашади. Бу ҳолда унинг ҳажми нолга интилади. Шунинг учун юқорида келтирилган тенгламалардан қуйидаги натижа келиб чиқади:

$$p_x\text{қ}p;\ p_y\text{қ}p;\ p_z\text{қ}p,\ \text{яъни}\ p_x\text{қ}\ p_y\text{қ}\ p_z\text{қ}p \qquad (3.1)$$

Шундай қилиб, барча йўналишларда таъсир қилувчи босим кучли тенг эканлиги исботланади. Бу эса иккинчи хоссанинг тўғрилигини кўрсатади.

Гидростатиканинг асосий тенгламаси

Тинч турган идишдаги суюқликни қараймиз. Бу суюқликка оғирлик кучи таъсир этади. Координата ўқларини *Oz* ўқи вертикал юқорига йўналадиган қилиб йўналтирамиз.

Кўрилаётган идиш ичида бирор *xOy* текислигидан *z* масофада, эркин сиртда эса *H* масофада жойлашган бирор *A* нуқтани оламиз. У ҳолда бирлик масса кучларнинг бу координата системасидаги проекциялари қуйидагича бўлади:

Xқ0; Yқ0; Z-g



5.1-расм. Гидростатиканинг асосий тенгламасига доир чизма.

Гидростатик босим *p*, суюқликнинг эркин сиртидаги босим p_0 бўлсин, эркин сирт *xOy* текислигидан эса z_0 масофада жойлашган бўлсин. Бу ҳолда гидростатиканинг асосий тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\frac{\partial p}{\partial x}=0;\frac{\partial p}{\partial y}=0;\frac{\partial p}{\partial z}=-pg$$

Биринчи ва иккинчи тенгламалардан босимнинг *x* ва *y* координаталарга боғлиқ эмас эканлиги келиб чиқади. У ҳолда учинчи тенгламадан қуйидагини оламиз:

$$dpķ - pgdz$$

(Бу тенгламани (2.3) дан ҳам олиш мумкин.) Бу эса юқорида айтилгандек тинч турган идишлардаги суюқлик босими горизонтал сиртлар бўйича ўзгармас деган фикрни тасдиқлайди. Охирги тенгламани эркин сиртдан z нуқтагача бўлган оралиқ учун интеграллаймиз ва қуйидаги тенгламани чиқарамиз:

$$p\text{-}p_0ķ\text{-}pg(z\text{-}z_0)$$

z-z_0 нинг қиймати h га тенг бўлгани учун сўнгги тенгламани қуйидагича ёзилади:

$$pķp_0Қpgh$$

ёки

$$pķp_0Қ\ \gamma h \qquad (5.1)$$

Бу гидростатиканинг асосий тенгламаси деб аталади ва суюқликнинг ихтиёрий нуқтасидаги босимни, суюқлик тури ва олинган нуқтанинг эркин сиртдан қандай масофада эканлигига қараб аниқлайди. Гидростатиканинг асосий тенгламаси қуйидаги қонуниятни ифодалайди: *суюқлик ичидаги ихтиёрий нуқтадаги босим суюқлик эркин сиртидаги босим* p_0 *ва шу нуқтадаги суюқлик устунинг босими* (γh) *йиғиндисига тенг.*

Абсалют, манометрик, вакуумометрик ва атмосфера босимлари. Босим ўлчов бирликлари

Суюқлик ичидаги ихтиёрий нуқтадаги (гидростатиканинг асосий тенгламаси ёрдамида аниқланадиган) босим *p* шу нуқтадаги *абсальют босим* деб аталади. Суюқликнинг эркин сиртидаги босим p_0 эркин сиртдаги абсальют босимни беради, γh эса суюқлик устунинг нуқтадаги босимини беради. Усти ёпилмаган идишлардаги, сув сиьимларидаги суюқликларнинг эркин сиртига таъсир қилувчи босим *атмосфера босими* деб аталади ва *pa* ҳарфи билан белгиланади. Бу ҳолда (2.8) тенглама қуйидагича ёзилади:

$$pķp_aҚ\ \gamma h \qquad (5.2)$$

Агар суюқлик нуқтасидаги босим атмосфера босимидан катта ($p>pa$) бўлса, (2.9) тенгламанинг охирги ҳади *манометрик* босим деб аталади:

$$p_мķ\ \gamma hķp - p_0 \qquad (5.3)$$

Манометрик босим абсальют босимдан атмосфера босимининг чигирилган (айирилган) миқдорига тенг бўлгани учун уни *чегирма босим* деб ҳам аташ мумкин.

Манометрик босим абсальют босимнинг миқдорига қараб ҳар хил қийматга эга бўлиши мумкин, масалан, $pķp_0$ бўлганда $p_м$к0: $p\rightarrow\infty$ бўлганда $p_м\rightarrow\infty$, яъни манометрик босим 0 билан ∞ ўртасидаги барча қийматларни қабул қилиши мумкин.

Агар суюқлик нуқтасидаги абсальют босим атмосфера босимидан кичик ($p>p_a$) бўлса, уларнинг айирмаси *вакуумометрик босим* (вакуум) p_a га тенг бўлади ва суюқликдаги сийракланиш миқдорини белгилайди:

$$p_aķ\ \gamma hķp_a - p_0 \qquad (5.4)$$

Вакуумометрик босим нуқтадаги босимнинг атмосфера босимидан қанча камлигини кўрсатади ва $pķp_a$ да $p_в\rightarrow 0;\ p\rightarrow 0$ да $p_в\rightarrow p_a$ бўлади. Шундай қилиб, вакуумометрик босим 0 дан p_a гача бўлган қийматларни қабул қилади.

Босим ўлчаш учун техникада турли бирликлар иштилади:

1. Куч бирликларининг юза бирликларига нисбати, масалан,

Н/м²; кГ/м²; кГ/см².

2. Суюқлик устунинг баландликлари, масалан, мм, сув.уст.-миллиметр сув устуни; м сув.уст.-метр сув устуни, мм сим.уст.-миллиметр симоб устуни.

3. Бирлик юзага тўғри келган берилган куч миқдорига нисбати ёки суюқлик устунинг берилган баландлиги миқдорлари, масалан, техник атмосфера (ат) (1атқ1кГ/см^{2}қ10^{4}кГ/м^{2}қ735,6 мм сим.уст.) бар (1 барқ10^5 Н/м^2) ва ҳаказо.

1. Чегирма босим юқоридаги бирликларда ўлчанади ва атиларда ҳисобланади.

Босим ўлчаш асбоблари

Босим ўлчаш асбоблари икки группага ажралади. Улар суюқлик ва механик асбоблардир.

1. Суюқлик асбоблари:

а) *презометрлар* - идишдаги босим унга уланган шиша найчадан текширилаётган суюқликнинг кўтарилишига қараб аниқланади. Идишдаги босимнинг катта ёки кичиклигига қараб презометр (шиша найча) да сувнинг сатҳи h_n баландликка кўтарилади Текширилаётган А нуқтадаги босим p_a идишдаги эркин сатҳдаги босим билан ундаги сув устунинг босими йиғиндисига тенг. Презометр орқали аниқланганда у гидростатиканинг асосий тенгламаси ёрдамида қуйидагича аниқланади:

$$p_A\text{-}p_a\text{Қ}\gamma(h\text{Қ}h_n) \qquad (5.5)$$

У ҳолда прзометрда суюқлик эркин сатҳининг баландлиги босим орқали қуйидагича ифодаланади:

$$h\text{Қ}h_n\text{қ}\frac{p_A - p_a}{\gamma}$$

ва идишдаги чегирма босимга тўғри келадиган суюқлик устунининг баландлигини кўрсатади. Бундай асбоблар 0,5 дан юқори бўлмаган икки чегирма босимларни ўлчашда ишлатилади. Ҳақиқатда ҳам 1 ат тенг бўлган босим 10м сув устунининг баландлигига тенг бўлгани учун юқори босимларни ўлчашда жуда узун шиша найчалар ишлатишга тўғри келган бўлар эди.





5.2. расм. Презометр 5.3-расм. ***Вакуумметр***



5.4. расм. U-симон манометр.

б) *Суюқлик U-симон манометрлари* - босим текширилаётган суюқлик билан эмас, симоб устуни ёрдамида ўлчанади. Бу ҳолда симобли шиша найча идишга *U*-симон найча орқали уланади. Бунда симобнинг босими ўлчанаётган идишга оқиб ўтишига *U*-симон найчадаги қаршилик тўсқинлик қилади. Уҳолда А нуқтадаги босим идиш томондаги қийматлар орқали қуйидагилар аниқланади:

$$p_A қ р Қ \gamma h_1$$

Симобли найчадаги қийматлар орқали эса

$$p_A қ p_a Қ \gamma_{см} \cdot h_{см}$$

Бу икки тенгликдан p ни топамиз:

$$p қ pa\ p_a Қ \gamma_{см} \cdot h_{см} - \gamma h_1 \qquad (5.6)$$

Бундай манометрлар ҳар бир босимни ўлчаш ярамайди.

в) *Дифференциал манометрлар* - икки идишдаги босимлар фарқини ўлчаш учун ишлатилади. Босимларни p_0 ва $p_в$ га тенг бўлган икки идиш симобли *U*-симон найса орқали туташтирилган. Бу ҳолда *C* нуқтадаги босим орқали қуйидагича ифодаланади:

$$p_c қ p_a Қ \gamma_1 h_1$$

Иккинчи идишдаги босим орқали эса

$$p_C қ p_в Қ \gamma_1 h_2 Қ \gamma_{см} \cdot h \qquad (5.7)$$

У ҳолда идишлардаги босимлар фарқи

$$p_a - p_в қ (\gamma_{см} - \gamma_1) h$$

г) **Микроманометр** - жуда кичик босимларни ў лчаш учун ишлатилади ва суюқлик сатҳининг ўзгариши сезиларли бўлиши учун суюқлик тўлдирилган идишга шиша найча қия бурчак остида уланади. У ҳолда идишдаги чегирма босим қуйидагича аниқланади: рқγh бўлгани учун

$$p қ \gamma l \sin \alpha \qquad (5.8)$$

шиша найчанинг қиялик бурчаги α қанча кичик бўлса, босим шунча аниқ ўлчанади. Кўп ҳолларда манометр шиша найчасининг қиялик бурчагининг ўзгарувчан қилиб ишланади. Бу ҳолда микроманометрларнинг қўлланиш чегараси кенгаяди.

д) **Вакуумметрлар.** Тузилиши худди суюқлик *U*-симон манометрларига ўхшаш бўлиб, идишдаги сийракланиш даражасини аниқлайди. Гидростатик босим тенгламасига асосан

$$p Қ \gamma_{см} h_{см} қ p_a$$

у ҳолда

$$p қ pa - \gamma_{см} h_{см}; \qquad (5.9)$$

симоб устунининг пасайиши идишдаги босим ва p_a орқали қуйидагича ифодаланди:

$$h_{см} қ \frac{p_a - p}{\gamma_{см}} \qquad (5.10)$$

II.**Механик асбоблар** (катта босимларни ўлчаш учун ишлатилади ва бунинг учун турли механик системалардан фойдаланилади):

а) *Пружинали манометр* ичи бўш юпқа эгик латунр 1 найчадан иборат бўлиб, унинг бир учи кавшарланган. Шу учи занжир 2 билан тишли узатма 3 га илаштирилган бўлади.

Иккинчи учи эса босими ўлчаниши зарур бўлган идишга бўйин 4 орқали туташтирилади. Эгик латунр найча ҳаво босими таъсирида тўғриланишга ҳаракат қилиб, тишли узатма ёрдамида стрелканинг бурилишига сабаб бўлади. Бундай манометрларда босимни кўрсатувчи шкала бор.

б) Мембранали манометр - юпқа металл пластинка ёки резина шимдирилган материалдан тайёрланган пластинкага эга бўлиб, у мембрана дейилади. Суюқлик босими идиш билан туташтирувчи бўйинча орқали ўтиб, мембранани эгади. Бу эгилиш натижасида ричаглар системаси орқали стрелка ҳаракатга келади ва шкала бўйлаб сурилиб, босимни кўрсатади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Босим йўналишини тушунтиринг.
2. Босим миқдорини тушунтиринг.
3. Уринма йўналишини тушунтиринг.
4. Нормал йўналишни тушунтиринг.
5. Суюқликнинг биринчи хоссасини тушунтиринг.
6. Суюқликнинг иккинчи хоссасини тушунтиринг.
7. Босим бирликларини хоссаси.
8. Гидростатиканинг асосий тенгламасини келтириб чикаринг.
9. Абсальют, манометрик вакумаметрик босим
10. Атмосфера босим.
11. Босим улчов бирликларини тушунтиринг.

3 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: Текис сиртларга таъсир қилувчи гидростатик босимни аниқлаш. Паскаль қонуни. Жисмларни суюқликда сузиши

Ўқув модул бирликлари:.

1. Эйлер тенгламасини келтириб чиқариш.
2. Паскаль қонуни
3. Идишдаги суюқликлар.

Таянч сўз ва иборалар:

Босим, юза, баландлик, куч, оғирлик, хажм йўналиш, суюқликка таъсир этувчи ташқи кучлар, суюқлик ички кучлари.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ

1. Ички ва ташқи кучлар ҳақида нималарни биласи?

2. Суюқлик сатхига қандай кучлар таъсир этади?

3. Айланаётган идишдаги суюқликка қандай кучлар таъсир этади.

Суюқликлар мувозантининг Эйлер дифференциал тенгламаси

Мувозанат ҳолатидаги суюқликларга босим ва оғирлик кучлари таъсир қилади. Босим суюқлик эгаллаган ҳажмнинг ҳар хил нуқтасида ҳар хил қийматга эга. Шунинг учун босимни координата ўқлари *x, y, z* ларнинг функцияси деб қараш керак. Кўрилаётган суюқликда томонлари *dx, dy, dz* га тенг бўлган параллелопипедга тенг элементар ҳажм ажратиб оламиз (1.6-расм). Энди суюқликка таъсир қилувчи кучларнинг мувозанат ҳолатини текширамиз. Оғирлик кучининг проекциялари ρXdV; ρYdV; ρZdV бўлсин; яъни $G\{\rho XdV;\ \rho YdV;\ \rho ZdV$. Элементар ҳажмнинг *yOz* текисликда ётган сиртига *Ox* ўқига йўналишида *p* га тенг, унга параллел бўлган сиртига эса $p\text{Қ}\frac{\partial p}{\partial x}$ га тенг босимлар таъсир қилади.

Бу сиртларга таъсир қилувчи босим кучлари эса тегишлича *pdydz* ва $(p\text{Қ}\frac{\partial p}{\partial x}dx)dydz$ ларга тенг. Олинган элементар ҳажм *Ox* ўқи бўйича мувозанатда бўлиши учун бу ўқ бўйича йўналган кучлар йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак:

$$pdydz-(p\text{Қ}\frac{\partial p}{\partial x}dx)dydz-pxdxdydz\text{қ}0$$

Шунингдек, Оу ўқи бўйича, yOz текисликда ётувчи сиртга *pdxdz*,

$$\Delta h_e = \frac{64}{\mathrm{Re}} \cdot \frac{1}{d} \cdot \frac{V^2}{2g} \quad (14)$$

тенгламани Дарси-Вейсбах тенгламаси билан солиштирсак

$$\Delta h_e = \lambda \frac{l}{d} \cdot \frac{V^2}{2g}; \qquad \lambda = \frac{64}{\mathrm{Re}} \quad \text{Пуазейл формуласи} \quad (15)$$

Назорат учун саволлар:

1. Суюқликнинг текис ҳаракатида босимнинг камайиши.
2. Суюқликнинг турбулент ҳаракатида гидравлик қаршилик.
3. Гидравлик ишқланиш қаршилик коэффиценти.
4. Турбулент харакатда гидравлик қаршиликни топиш учун эмпирик 5. боғланишлар.
6. Ламинар ҳаракатда босимни камайиши.
7. Пуазейл формуласи
8.Суюклик харакатидаги каршиликлар.
9.Суюклик харакатида босимнинг камайиш турлари.
10.Суюкликнинг ламинар йуколишида босимнинг камайишини аниклаш.
11.Ишкаланиш каршилик коэффициенти ва унинг аниклаш.

13 - МАЪРУЗА

МАВЗУ: Марказдан қочма насослар.

Ўқув модул бирликлари::

1. Марказдан қочма насос тушунчаси.
2. Бир босқичли марказдан қочма насос.
3. Насоснинг назарий босими.
4. Насосда энергиянинг йўқолиши.
5. Марказдан қочма насоснинг асосий параметрлари.
6. Тезюрарлик коэффиценти.

Таянч сўз ва иборалар

Кескин кенгайиш, кескин торайиш, маҳаллий қаршилик коэффициент и, Борд формуласи, Алртшул формуласи, диффузор, конфузор, диафрагма, Иделрчик формуласи, Вейсбах формуласи, бурилиш.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

1.Маҳаллий қарши-ликларнинг босим йҳқолишига таъсири қандай бҳлади?
2. Кескин кенгайиш ва кескин торайиш-ларда қандай боғланиш бор?
3.Нима учун маҳаллий қоршилик коэффициентини топиш учун аниқ формула йўқ?

Реал суюқлик харакатида оқим узунлиги бўйича йўқолган напордан ташкари маҳаллий қаршиликлар бўйича ҳам босимни камайиши бўлади.

Маҳаллий қаршиликлар қуйидаги холларда пайдо бўлади.

1. Суюқликни тезлиги ўзгарг ан жойида (оқим кенгайганда ёки торайганда).
2. Оқим йўналиши ўзгарганда (бурилишда).
3. Ҳам қиймати ва йўналиши бир вақтда ўзгарганда (тройник).

Амалиётда маҳаллий босим йўқолиши қуйидаги Вейсбах формуласи ёрдамида хисобланади: $\Delta h_{м} к \xi \frac{v^2}{2g}$ (1)

бу ерда ξ - маҳаллий қаршилик коэффициенти дейилади;
асосан ξ - тажриба бўйича аниқланади.

Алртшулр ξ ни аниқлаш учун қуйидаги эмпирек формулани таклиф қилади.

$$\xi \frac{c}{\mathrm{Re}_{\xi}} + \xi k \quad (2)$$

бу ерда ξ_k - турбулент харакатининг квадратик зонаси учун маҳаллий қаршилик коэффициенти

С – маҳаллий қаршиликнинг турига боғлиқ бўлган коэффициент.

	С		С
Кескин кенгайиш	30	Пробкали кран	150
90° ли бурчак	400	Оддий вентилр	3000
135° ли бурчак	600	Бурчакли вентилр	400
90° ли текис бурилиш	130	Шарикли клапан	5000
Тройник	150	Задвижка	75

Маҳаллий қаршиликларни ўрганиш ламинар харкат учун хозирча тўла ўрганилмаган. Турбулент харакат учун хусусий холларда ўрганилган хозир биз бир нета хусусий холларни куриб чикамиз.

1. Оқимнинг кески кенгайиши:

Босим, тезлик ва оқим кесими юзасини 1-1 кесми учун p_1, v_1, s_1 2-2 кесим учун эса p_2, v_2, s_2 деб белимайлик.

Энди 1-1 ва 2-2 кесимлар учун Бернулли тенгламасини ёзамиз, бўлинг учун қуйидаги учта шартни киритайлик.

1. 1-1 ва 2-2 кесимларга тезлик текис таксимлашган бўлсин, яъни $\alpha_1 к \alpha_2 к 1$.
2. 1-1 ва 2-2 кесимлар оралигида труба деворидаги уринма кучланиш 0 га тенг бўлсин.
3. Гидродинамик босимлар P_1 ва P_2 қурилаётган s_1 см s_2 кесимда текис таксимланган бўлсин.

$$p_1 к\ p_1 s_1;\ p_2 к\ p_2 s_2$$

$$t_1 к Z_z к 0$$

$$\frac{p_1}{\rho g} + \frac{v_1^2}{2g} = \frac{p_2}{\rho g} + \frac{v_2^2}{2g} + h_{kkg} \quad (3)$$

Суюқликнинг харакат миқдорини ўзгариши $\rho Qdt(v_2 Қ v_1)$ **(а)**

Ишкалашни кучириш хисобга олмасак импулрс кучининг суюқлик харакати йўналиши бўйича олинган проекциялари йиғиндиси

$(p_1\text{-}p_2)S_2\ dt$ **(б)** бўлади.

Харакат миқдори ўзгариши теоремасига асосан **(а)** ва (б) тенглаштирсак

$$\rho Qdt(v_2\text{Қ}v_1)\text{қ}(p_1\text{-}p_2)S_2\ dt$$

Бу ерда $Q\text{қ}S_2\cdot v_2$ эканини хисобга олиб тенгликни ρg га бўлсак

$$v_2s_2(v_2v_1)/g\text{қ}s_2(p_1\text{-}p_2)/\rho g$$

Яна s_2 га кискартирсак

$$\frac{p_1-p_2}{\rho g}=\frac{v_2^2}{g}-\frac{v_2-v_1}{g}=\frac{v^2}{2g}+\frac{v_2^2}{2g}-\frac{2v_1-v_2}{2g}+\frac{v_1^2}{2g}-\frac{v_1^2}{2g}$$

$$\frac{p_1-p_2}{\rho g}=\frac{v_2^2}{2g}-\frac{v_1^2}{2g}+\frac{(v_1-v_2)^2}{2g}$$

Буни индекслар бўйича группаласак

$$\frac{p_1}{\rho g}+\frac{v_1^2}{2g}=\frac{p_2}{\rho g}+\frac{v_2^2}{2g}\frac{(v_1-v_2)^2}{2g}(4)$$

(4) ни (3) – Бернулли тенгламаси билан солиштириб

$$h_{k.k.\text{қ}}\frac{(v_1-v_2)^2}{2g} \text{ эканини оламиз} \tag{5}$$

(5) – Борд формуласи (1766 й).

Бу ерда $v_1\ s_1\text{қ}\ v_2\ s_2$ эканини хисобга олиб

$$h_{k.k}\text{қ}(1-\frac{s_1}{s_2})^2\frac{v_1^2}{2g}=\xi\frac{v_1^2}{2g} \tag{6}$$

$$\xi=(1-\frac{s_1}{s_2})^2 \tag{7}$$

эканини топамиз: ёки

$$h_{k.k.}=(\frac{s_1}{s_2}-1)^2\frac{v_2^2}{2g}$$

Оқиминнинг аста-секин кенгайиши (диффузор)

Бу ерда угорма хосил бўлиши кескин кенгайишига қараганда камрок бўлади. Маҳаллий қаршилик коэффициенти худди юқорида қурилган кескин кенгайиши каби чиқарилади:

$$\xi_{диф}=k(\frac{s^2}{s^1}-1)^2$$

$$h_{диф}=k(\frac{s_2}{s_1}-1)^2\frac{v_2^2}{2g}ёки h_{диф}=k(1-\frac{s_2}{s_1})\frac{v_1^2}{2g}$$

Бу ерда к - конуслик коэффициенти дейилади ва α бурчакка боғлиқ бўлади. Масалан αқ 0 да К қ 0; αқ 30 да К қ 0,71; αқ 60 да К қ 1,12; αқ 90 да К қ 1,07.

Диффузор учун ξ коэффициент қуйидаги формуладан ҳам хисобланади

$$\xi диф=\frac{\lambda}{8\sin\frac{\alpha}{2}}\cdot\frac{n^2-1}{n}+(\frac{n-1}{n})^2\sin\alpha$$

Бу ерда α - ишқаланиш қаршилик коэффициенти: $n\text{қ}\frac{s_2}{s_1}$ диффузорининг кенгайиш даражаси.

Оқимнинг кескин торайиши

Оқимнинг кескин торайишида кескин кенгалишга қараганда камрок қаршилик пайдо бўлади.

Рамда кўринганидек оқим кичик кесимга утгандан кейин сиқилиш хосил бўлади. Демак бу ерда қаршилик топайиши ва кенгайишида хосил бўлар экан:

$$h_{к.т}қ\xi_0\text{-}\frac{v_c^2}{2g}+\frac{(v_c-v_2)^2}{2g}=\xi к.т\frac{v_2^2}{2g} \qquad (8)$$

бу ерда ξ_0 - кичик кесимга киришдаги ишқаланиши хисобга олувчи коэффициент;

v_c - сиқилган кесимдаги суюқлик тезлиги.

Амалиётда купинча қуйидаги И.Е.Иделрчик формуласидан фойдалинади.

$$\xi_{к.т}қ(1-\frac{s_2}{s_1})/2(1-\frac{\frac{1}{n}}{2}) \qquad (9)$$

бу ерда nқ $\frac{s_1}{s_2}$ - торайиш даражаси $\frac{s_2}{s_1}=0$ бўлса $\xi_{к.т}$ қ 0,5.

Трубопроводник аста торайиши (конфузор)

Бу ерда ҳам қаршилик диффузордан кам бўлади.

$$h_{кон}=\frac{k}{2}(1-\frac{s_2}{s_1})\frac{v_2^2}{2g}=\xi r_{кон}\frac{v_2^2}{2g} \qquad (10)$$

бу ерда k_1 - конфузор учун маҳаллий қаршилик коэффициенти

α - конуслик коэффициенти бўлиб бурчакка боғлиқ бўлади.

Конфузор учун қуйидагича хисобланади

$$\xi_{кон}=\frac{\lambda}{\rho\sin\frac{\alpha}{2}}\cdot\frac{n^2-1}{n^2} \qquad (11)$$

3. Диафрагма

$$\xi_{диаф}=(1+\frac{0{,}707}{\sqrt{1-s_0/s}})^2(\frac{s}{30}-1)^2 \qquad (12)$$

И.Е.Иделрчик формуласи

6. Трубага кириш. Труба идишига тўғри бурчак остида ўрнатилган ва киррали бўлса ξ қ 0,5 трубага кириш жойи эгри (киррали эмас) чизиқли бўлса ξқ 0,04 – 0,1 (ўртача ξқ 0,08)

Агар трубопровод идишига бирор β бурчак остида ўрнатилган бўлса ξқ 0,505 Қ 0,303 sinβҚ 0,226· sin$^2\beta$

7. Бурилиш.

Диаметри унча катта бўлмайаган, кескин бурилишида:

$$\xiқ\ 0{,}946\cdot\sin^2\frac{\alpha}{2}+2{,}047\cdot\sin^4(\frac{\alpha}{2})$$

эгри чизиқли силлиқ бўлиши.

$$\xiқ[0{,}131Қ0{,}163(\frac{d}{R})^{3,5}]\cdot\frac{\alpha}{90}$$

Бу ерда R - эгрилик радиуси.

Назорат учун саволлар:

1. Алотшул маҳаллий қаршилик коэффициенти учун қандай формулани таклиф қилди.
2. Амалиётда маҳаллий босим йўқолиши қайси формуладан аниқланади.
3. Оқимнинг кескин кенгайиши учун Борд формуласи.
4. Оқимнинг аста секин кенгайиши.
5. Иделрчик формуласи қандай формула.
6. Диффузор нима.
7. Конфузор нима.
8.Оқимнинг кескин торайишда маҳаллий қаршилик.
9.Диафрагмада босимнинг йўқолиши.
10.Турбага кириш ва чақишда босимнинг йўқолиши.
11.Бурилишда босимни йўқолиши.

14 – МАЪРУЗА

МАВЗУ: Насос ва сўриш қувурларини эксплуатацион ҳисоби.

Ўқув модул бирликлари::

1. Сўриш қувурининг ҳисоби.
2. Сўриш қувурини бошқариш.
3. Насосни асосий параметрларини ҳисоби.
4. Насосларни параллел ва кетма-кет улаш.
5. Кавитацион запас тушунчаси.

Таянч сўз ва иборалар

Сиқилувчанлик коэффициенти, тезлик коэффициенти, сарф коэффициенти, цилиндрик найча, конусли найча, коноидал найча, Бернулли тенгламаси, ўзгармас босим, сиқилиш коэффициенти, суюқлик тезлиги, суюқлик сарфи, Торичелли формуласи, идишнинг бҳшаш вақти, ўзгарувчан босим, Рейнолрдс сони.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

1. Суюқликни тешик ва найчадан оқиб чиқишини аниқлашдан мақсад нима?
2.Тезлик ва сарф коэффициентлари Рейнолрдс сонига қандай боғлиқ?
3. қайси найчада сарф коэффициенти катта бҳлади?
4. Суюқликни оқиб чиқишига ўзгарувчан босимнинг таъсири қандай?

Катта ўлчамли бирор идиш олиб, шу идишни суюқлик билан тулдирилган, идишда кичик бир тиркиш бўлиб, шу тиркишдан суюқлик оқиб чикаётган бўлсин. Бу тиркиш юзаси S бўлсин. Суюқликнинг тезлиги тешикка якинлашган сари ортиб боради. Бу жараён тешикдан ташкарида ҳам инерция кучи таъсирида давом этади. Тахминан тиркишдан диаметрча масофада тезлик энг катта бўлади, бу жойда юза кичик бўлади



18-расм. Ўзгармас босимда суюқликнинг оқиб чиқиши.

Ек $\frac{s_c}{s}$ - сиқилувчанлик коэффициенти

энди 1-1 ва 2-2 кесимлар учун Бернулли тенгламасини тузайлик

$$Z_1 + \frac{P_1}{\gamma} + \frac{\alpha_1 v_1^2}{2g} = Z_1 + \frac{P_1}{\gamma} + \frac{\alpha_2 v_2^2}{2g} + \xi \frac{v_2^2}{2g} \qquad (1)$$

агар H_0қZ_1-Z_2ққconst бўлса $\frac{\alpha_1 v_1^2}{2g}$ қ0 бўлади

$$H_0 + \frac{p_1 - p_2}{\rho g} = (\alpha_2 + \xi)\frac{v_1^2}{2g}$$

бу ердан $v_2 = \sqrt{\dfrac{2g(H_0 + \dfrac{p_1 - p_2}{\rho g}}{\alpha_2 + \xi}}$

агар НқН0Қ $\dfrac{p_1 - p_2}{\rho g}$ деб олсак

$$v_2 = \frac{1}{\sqrt{\alpha_2 + \xi_2}} \sqrt{2gH} \quad \text{(3) бўлади}$$

$$v_2 = \frac{1}{\sqrt{\alpha_2 + \xi_2}}$$ - тезлик коэффициенти

$$\text{v}_2\text{қu}_2 \sqrt{2gH} \text{ ёки vқu}_2 \sqrt{2gH} \quad (4)$$

агар p_1қP_2 бўлса НқН0: vқu $\sqrt{2gH_0}$

Суюқлик сарфи эса

$$\text{Qқv·s}_c\text{қEs}_0\text{u} \sqrt{2gH} \ \text{қμ·s}_0 \sqrt{2gH} \quad (5)$$

μ-сарф коэффициенти; μқE·u

φ ва μ лар суюқлик оқиб чикаётган тиркишнинг турига ва идеал хол учун қурилган *Re4* сонига боғлиқ бўлади.

Суюқлик идеал бўлса αқ 1; ξқ 0; φқ 1 бўлса

$$R_{eu} = \frac{v_u \cdot d}{v} = \frac{d}{v} \cdot \sqrt{2gH}$$

Идеал суюқлик учун v_uқ $\sqrt{2gH}$ - Торчелли формуласи

$$\mu = \sqrt{\frac{156}{R_{eu}^2} + 1} - \frac{12{,}5}{R_{ем}}$$

Ёпишкоклиги кам суюқликлар учун R_{eu} етарли катта бўлади, шунинг учун Еқ 0,62 – 0,66: φқ0,96 – 0,98: μқ 0,60 – 0,64: ξқ 0,068

$R_{ем}$қ 350 да $\mu_{мах}$қ 0,69 - бўлади

R_e<25 бўлса Еқ 1; φқμ бўлади

Суюқлик бирор идишдан бошқа идишга юпка деворли тешик орқали оқиб чикаётган бўлсин 1-1 ва 2-2 кесимлар учун Бернулли тенгламасини ёзамиз

$$z_1 + \frac{zp}{\gamma} = z_2 + \frac{p_2}{\gamma} + \text{E}h = z_1 + \frac{p_2}{\gamma} + (\xi + \alpha_2)\frac{V^2}{2g}$$

H0қz1-z2 бўлса

$$H = H_0 + \frac{P_1 - P_2}{\gamma} = (\zeta + \alpha)\frac{V^2}{2g}$$

бу ерда $V = \dfrac{1}{\sqrt{\zeta + \alpha}} \cdot \sqrt{2gH} = \varphi\sqrt{2gH}$ (9)

Суюқлик сарфи

$$Q = VS_c = \text{E}\varphi S_0 \sqrt{2gH} = \mu S_0 \sqrt{2gH} \quad (10)$$

Ўзгармас босимда суюқликнинг найча орқали оқиб чикиш

Энди суюқликни найчалар орқали оқиб чикишини кўрайлик, бу ерда найча узунлиги. Энг куп тарқалган найчалар қуйидагилардан иборат.

1) цилиндрик найчалар – ташқи цилиндрик ва ички цилиндрик

2) Конусли найчалар: конусли торайувчи ва конусли кенгайувчи найчалар
3) Коноидал найчалар



19-расм. Найча турлари

Ташқи цилиндрик найчани кўрайлик



20-расм. Суқликнинг найчадан оқиб чиқиши.

Оқимнинг сиқилишни фақат найчанинг ичида (dc»0,8 d) пайдо бўлади. Найчалардан чикишда эса сиқилиш бўлмайайди, яъни Еқ1. Тажрибанинг кўрсатишига ёпишкоканчи кам суюқликлар учун, цилиндрик найчада uқ$\mu_н$қ0.82 бўлади

$\frac{\mu_н}{\mu_m} = \frac{0,82}{0,02} \approx \frac{4}{3}$ - бундан кўринадики найчада сузлик сарфи тиркишга қараганда 4/3 марта куп бўлар экан. 1-1 ва 2-2 кесимлар учун Бернулли тенгламасини ёзайлик: z_1қz_2 бўлса

$$\frac{P_1}{\gamma} + \frac{v_1^2}{2g} = \frac{P_2}{\gamma} + \frac{v_2^2}{2g} + \Sigma h_{1-2} \qquad (11)$$

Бу ерда найча узунлиги кичик бўлгани учун асосий қаршилик махоллий коршиликдан иборат бўлади. Маҳаллий қаршилик кескин кенгайиши каби хисобланади

$$\Sigma h_{1-2}қ\frac{(v_1 - v_2)^2}{2g} \qquad (12)$$

$$\frac{P_1}{\gamma} + \frac{v_1^2}{2g} = \frac{P_2}{\gamma} + \frac{v_2^2}{2g} + \frac{(v_1 - v_2)^2}{2g}$$

$$\frac{P_2 - P_1}{\gamma} = \frac{v_1^2}{2g} - \frac{v_2^2}{2g} - \frac{(v_1 - v_2)^2}{2g} = \frac{v_1^2}{2g} - \frac{v_2^2}{2g} - \frac{v_1^2}{2g} + \frac{2v_1v_2}{2g} - \frac{v_2^2}{2g} = \frac{2v_1v_2}{2g} - \frac{2v_2^2}{2g}$$

$v_1 = \frac{s_2}{s_1} v_2$ эканидан $\frac{s_1}{s_2} = E$ десак

$v_1 = \frac{v_2}{E}$ у холда

$$\frac{p_2 - p_1}{\gamma} = \frac{2v_2^2}{2g \cdot E} - \frac{2v_2^2}{2g} = (\frac{2}{E} - 2)\frac{v_2^2}{2g} = 2(\frac{1}{E} - 1)\frac{v_2^2}{2g}$$

$v=u\sqrt{2gH}$; $v^2=u^2 2gH$

$$\frac{p_2-p_1}{\gamma}=2(\frac{1}{E}-1)u^2H \text{ ; } P_2-P_1=2u^2(\frac{1}{E}-1)\gamma H$$

Агар u= 0,8; E=0,63 деб олсак

$$P_2-P_1 \approx 0{,}75\,\gamma H \qquad (14)$$

Сарф коэффициенти

$$\mu=\frac{1}{1{,}23+\frac{58}{\mathrm{Re}}\cdot\frac{e}{d}}$$

Суюқликнинг ўзгарувчан (дам) босимда тешик ва найча орқали оқиб чикиши



21-расм. Суюқликнинг босимда оқиб чиқиши.

Идишдан тиркиш ёки найча оқиб чиккани сари суюқлик сатхи пасайиб боради, демак суюқликнинг тезлиги ва оқиб чикиш сарфи сатх баландлигига боғлиқ холда камайиб боради. Бу ерда беқарор харакат вужудга келади: Sdn ёки

$$Sdn=-\mu s_0\sqrt{2gh}\cdot dt \qquad (15)$$

бу ерда dh суюқлик сатхининг ўзгариш; «----» ишора ошириши билан ни камайишини ифодалайди.

Агар идишдаги суюқлик сатхини бирор H масофадан H масофагача камайишини аниқламокчи бўлсак

$$dt=\frac{sdh}{\mu S_0\cdot\sqrt{2g}} \qquad (16)$$

(16) тенгламани H дан H_1 гача интегралласак

$$t=\frac{1}{\mu s_0\cdot\sqrt{2g}}\int_H^{H_1}S\frac{dh}{\sqrt{H}}=\frac{S}{\mu s_0\cdot\sqrt{2g}}\int_H^{H_1}\frac{dh}{\sqrt{H}}=\frac{2S}{\mu s_0\cdot\sqrt{2g}}\sqrt{h}\int_H^{H_1}\frac{dh}{\sqrt{H}}=\frac{2S}{\mu s_0\cdot\sqrt{2g}}(\sqrt{H}-\sqrt{Ж}) \qquad (17)$$

Агар идишни тўла бушаши учун кетган вақтни топсак $H_1=0=0$ бўлади

$$t=\frac{2S\sqrt{H}}{\mu\cdot s_0\sqrt{2g}}=\frac{2SH}{\mu\cdot s_0\sqrt{2gH}}$$

$$\text{ёки } t=\frac{2W}{Q}$$

Назорат учун саволлар:

1. Суюқликнинг кичик тешикдан ўзгармас босимда чиқиши.
2. Суюқлик тезлиги ва сарфи, сафр коэффиценти.
3. Суюқликнинг ўзгармас босимда найча орқали оқиб ўтиши.
4. Найча турлари.
5. Суюқликнинг ўзгарувчан босимда тешик ва найча орқали оқиб чиқиши.

6. Идишнинг бўшаш вақтни аниқлаш.
7.Сикилиш коэффициенти нима?
8.Суюкликнинг узгармас босимда окиб чикишидаги тезлиги ва сарфи.
9.Узгармас босимда суюкликнинг найча оркали окиб чикиши.
10.Тезлик ва сарф коэффициентлари.

15 - МАЪРУЗА

МАВЗУ: Хажмий насослар

Ўқув модул бирликлари::

1. Хажмий насос тушунчаси.
2. Хажмий насос классификацияси.
3. Хажмий насосни ишлаш принципи.

Таянч сўз ва иборалар
Оддий трубопроводлар, мураккаб трубопроводлар, узун трубопроводлар, қисқа трубопроводлар, кетмакет уланган трубопроводлар, параллел уланган трубопроводлар, тармоқланган трубопроводлар, трубопроводдаги қаршилик коэффициенти, турба характеристкаси, талаб қилинган босим.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.
1.Талаб қилинган босим нима?
2. Оддий трубапроводларда босим йҳқолиши Рейнолрдс сонига қандай боғлиқ?
3. Паралел ва кетма кет уланган трубаларда ҳарактеристика қандай ўзгаради?
4. Тармоқланган трубаларда ҳисоблашқандай бажарилади?

Трубопроводларни гидравлик хисоб қилишда босимли ва босимсиз эканлиги аниқлайди. Трубопроводларда узунлик бўйича босим камайшини, маҳаллий қаршиликларда босим йўқолимига нисбатига қараб, киска трубопроводлар ва узун трубопроводларга бўлинади.

Киска трубопроводлар бед маҳаллий қаршилиги сезиларки бўлган трубопроводларга айтилади. Бундай трубопроводларга насоснинг сургли кисмидаги сурувчи трубопровод, двигателрни совиниши учун суюқлик узатилаётган трубопроводлар ёки хар хил машиналарни ёглаш учун ишлаяпладиган ёг узатувчи трубалар.

Узун трубопроводлар деб-узунлиги анча катта бўлган ва босилишнинг маҳаллий қаршилик хисобида йўқолиши, узунлик бўйича босим камайишига нисбатан анча кичик бўлган трубопроводларга айтилади.

Масалан насосдан хайдалаётган суюқлик ўтувчи трубопроводлар, нефтепроводлар, магистрал водопровод трубалари.

Узун трубопроводлар содда ва мураккаб трубопроводларга бўлинади.

Содда трубопровод деб, тармоклашган ва кесим юзаси ўзгармаган трубопроводларга айтилади.

Мураккаб трубопровод деб, тармокланмаган кесим юзаси ўзгарган ёки тармокланган трубопроводларга айтилади.

Ўзгармас кесимли оддий трубопровод фазода эркин жойлашган бўлсин ва бир неча маҳалли қаршиликлар мавжуд бўлсин.

Трубопроводнинг кесим юзаси ўзгармас бўлганлиги учун, тезлиги бир хил бўлади.

1-1 ва 2-2 кесимлар учун Бернулли тенгламасини тузайлик.



22-расм. Оддий трубаларда босимни камайиши.

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} = z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \Sigma h \qquad \text{ёки}$$

$$\frac{p_1}{\rho g} = z_2 - z_1 + \frac{p_2}{\rho g} + \Sigma h \qquad (1)$$

(1) тенгламанинг чап тарафидаги пьезометрик баландликни талаб килинган напор дейилади.

$H_{т.к} = \frac{p_1}{\rho g}$ бу ерда Δzқz_2-z_1 десак

$H_{т.к} = \Delta z + \frac{p_2}{\rho g}$ - сататик напор бўлади

Σhқk·Q^m

бу ерда К – трубопроводнинг қаршилиги дейилувчи қиймат.

m- даража кўрсаткичи бўлиб, суюқликнинг харакат тажрибига қараб хар хил қийматига эга бўлади.

$H_{к.т}$қ$H_{ст}$Ққk·Q^m (2)

Агар маҳаллий қаршиликни эквивалент узунлик билан алмаштирсак

$l_{расч}$қlҚ$l_{экв}$

у холда ламинар харакат учун

$$\Sigma h = \frac{64}{\mathrm{Re}} \cdot \frac{l_{расч}}{d} \cdot \frac{v^2}{2g} = (\Sigma\xi + \lambda_m \frac{l}{d}) \frac{1 \cdot Q^2}{2g\pi^2\mu}$$

Демак

$$K = \frac{128 v l_{расч}}{\pi g d^4} \qquad m қ 1$$

Турбулент харакатли оқим учун

$$\Sigma h = \left(\Sigma\zeta + \lambda r \frac{l}{d}\right)\frac{v^2}{2g} = \left(\Sigma\zeta + \lambda r \frac{l}{d}\right)\frac{16Q^2}{2g\pi^2 d^4}$$

Демак $K = \left(\Sigma\zeta + \lambda r \frac{l}{d^2}\right)\frac{16}{2g\pi^2 d^4}$

Кетма-кет уланган трубопроводларнинг хисоблаш

Узунлиги ва диаметри турлича бўлган бир неча содда трубопроводларни кетма-кет улайлик.

$$\left.\begin{aligned} Q_1 = Q_2 = Q_3 = Q \\ \Sigma h_{M-N} = \Sigma h_1 + \Sigma h_2 + \Sigma h_3 \end{aligned}\right\} \quad (3)$$

Бу иккита тенглама орқали кетма-кет ўлчаш трубопроводлар учун характеристиқа тузишимиз мумкин

Энди *M-N* кесимлар учун Бернулли тенгламасини тузиб ундан талаб килинган напорни топайлик.

α қ1 деб қабул қилсак

$$H_{T \cdot K} = z_N - z_M + \frac{V_N^2 - V_M^2}{2g} + \Sigma h_{M-N} + \frac{P_N}{\rho g} = H_{CT} + CQ^2 + KQ^m$$

бу ерда

$$C = \frac{1}{2g}\left(\frac{1}{S_N^2} - \frac{1}{S_M^2}\right)$$

$$H_{CT} = z_N - z_M + \frac{PN}{\rho g}$$

Параллел уланган трубопроводларни хисоблаш

Трубопроводлар параллел уланганда суюқлик сарфлари йиьилади, босимлари камайиши хар бир трубада бир хил бўлади.



23-расм. Параллел уланган трубалар

$$\begin{cases} Q = Q_1 + Q_2 + Q_3 \\ \Sigma h_1 = H_M - H_N \end{cases}$$

$$\Sigma h_2 = H_M - H_N$$

$$\Sigma h_3 = H_M - H_N$$

(4) тенгламасидан

$$\Sigma h_1 = \Sigma h_2 = \Sigma h_3 \quad (5)$$

$$\Sigma h_1 = K_1 Q_1^m; \quad \Sigma h_2 = K_2 Q_2^m; \quad \Sigma h_3 = K_3 Q_3^m;$$

(5) тенгламага кўра

$$K_1 Q_1^m = K_2 Q_2^m = K_3 Q_3^m$$

Тармоқланган трубопроводлар

Тармоқланган трубопродларда сарфлар кўшилади

$$Q = Q_1 + Q_2 + Q_3 \qquad (6)$$

М-М кесим ва охирги кесим учун Бернулли тенгламасини ёзсак

$$H_M = z_1 + \frac{P_1}{\rho g} + \Sigma h_1$$

$$H_M = H_{CT1} + K_1 Q_1^m \qquad (7)$$

Худди шу каби

$$H_M = H_{CT2} + K_2 Q_2^m \qquad H_M = H_{CT3} + K_3 Q_3^m$$

Юқорида кўрган 4 та тенгламада 4 та номаҳлум мавжуд

$$\begin{cases} Q = Q_1 + Q_2 + Q_3 \\ H_M = H_{CT1} + K_1 Q_1^m \\ H_M = H_{CT2} + K_2 Q_2^m \\ H_M = H_{CT3} + K_3 Q_3^m \end{cases}$$

$$H_{CT1} + K_1 Q_1^m = H_{CT2} + K_2 Q_2^m = H_{CT3} + K_3 Q_3^m$$

Назорат учун саволлар:

1. Оддий трубопроводлар ва мурккаб трубопроводлар, уларни гидравлик ҳисоблаш.
2. Босимли трубопроводлар, босимсиз трубопроводлар.
3. Узун ва қисқа трубопроводлар.
4. Кетма-кет уланган трубопроводларни гидравлик ҳисоблаш.
5. Параллел уланган трубопроводларни гидравлик ҳисоблаш.
6. Тармоқланган трубопроводларни гидравлик ҳисоблаш.
7.Содда ва мураккаб трубопроводлар.
8.Трубопровод учун талаб килинган босим.
9.Кетма-кет уланган трубопроводларни хисоблаш.
10.Параллел уланган трубопроводларни хисоблаш.
11.Трубопроводларнинг гидравлик характеристикаси.

16 - МАЪРУЗА

МАВЗУ: Поршенли ва плунжерли насослар

Ўқув модул бирликлари::

1. Поршенли насоснинг тузилиши.
2. Плунжерли насоснинг тузулиши.
3. Поршенли ва плунжерли насосларни сўриш графиги.

Таянч сўз ва иборалар

Циркуляцияли трубопроводлар, насос, сҳрувчи геометрик баландлик, хайдовчи геометрик баландлик, сифон, талаб қилинган босим, характеристика, суюқлик сарфи, тезлик, қаршилик коэффициенти, Бернадо формуласи.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

1. Насоснинг сҳрувчи ва босимли трубалари қандай ҳисобланади?
2. Ёпиқ циркуляцияли трубапроводларда нима учун кенгайтирувчи бак қҳйилади?
3. Идишдан труба орқали хавога оқиб тушишида босим йҳқолиши қандай аниқланади?
4. Сифонли трубаларни ҳисоблашда нималарни этиборга олиш зарур?

Насос қурилмасида трубопроводлар 2 хил системада ишлатилади, биринчи очик система бўлиб, бундан насос трубопровод орқали суюқликни бирор идишдан бошқа бир идишга узатилади.

Иккинчи ёпиқ система бўлиб, унда хайдалган суюқлик яна сурилади.

Энди биринчи очик системани кўрайлик. Бу ерда H_1 - сурувчи геометрик баландлик дейилади,H_2 - хайдовчи геометрик баландлик дейилади. О-О ва 1-1 кесимлар учун Бернулли тенгламасини ёзсак (α қ 1 деб олсак)

$$\frac{P_0}{\rho g} = H_1 + \frac{P_1}{\rho g} + \frac{V_1^2}{2g} + \Sigma h_{0-1} \tag{10}$$

2-2 ва 3-3 кесимлар учун Бернулли тенгламасини ёзсак

$$\frac{P_2}{\rho g} + \frac{V_2^2}{2g} = H_2 + \frac{P_3}{\rho g} + \Sigma h_{2-3} \tag{11}$$

(11) тенгламанинг напор тарафи бирлик массага берилган суюқлик энергиясини ифодалайди.

Худди шу каби суюқлик энергияси насосга киришда (10) тенгламадан

$$\frac{P_1}{\rho g} + \frac{V_1^2}{2g} = \frac{P_0}{\rho g} - H_1 - \Sigma h_{0-1} \tag{12}$$

Насосда суюқлик энергиясини ўзгаришини қуйидагича ёза оламиз.

$$H_{нас} = H_{нас2} = H_{нас1} = \left(\frac{P_2}{\rho g} + \frac{V_2^2}{2g}\right) - \left(\frac{P_1}{\rho g} + \frac{V_1^2}{2g}\right) = H_1 + H_2 + \frac{P_3 - P_0}{\rho g} + \Sigma h_{0-1} + \Sigma h_{2-3}$$

ёки

$$H_{нас} = \Delta z + \frac{P_3 - P_0}{\rho g} + KQ^m$$

деб олсак

$$H_{нас} = \Delta z + \frac{P_3 - P_0}{\rho g}$$

$$H_{нас} = H_{CT} + KQ^m$$

$H_{нас}$қ$H_{ТК}$

Турбулент харакатли хажмий насос учун характеристика

Ёпиқ система учун z қ 0 ва V_1қV_2 у холда

$$H_{TK} = \Sigma h = \frac{P_2 - P_1}{\rho g}$$

Ёпиқ циркуляцияси системада албатта кетайтирувчи бак бўлиши керак, бу бак насосдан олдим минимал босим бўлган жойга уналади.

Кетайтирувчи бак хисобига

$$P_1 = P_0 + H_0 \rho g$$

Суюқликнинг бир идишдан иккинчи идишга оддий трубопровод орқали оқиб ўтиши

Иккита А ва В катта хаттали идишлар (резервуар) берилган бўлсин

Бу идишлар узунлиги ва диаметри бўлган трубопровод орқали тупаштирилган. Энди шу трубопроводдан утаётган суюқликнинг сарфини ва тезликни топиш учун А ва В кесимлар учун О-О кесимча нисбатан Бернулли тенгламасини тузамиз.

$$z_a + \frac{P_a}{\rho g} + \frac{V_a^2}{2g} = z_b + \frac{P_b}{\rho g} + \frac{V_b^2}{2g} + \Sigma h_{ab} \qquad (1)$$

агар V_a ва V_b тезликларни бошқа параметрларга нисбатан жуда кичик деб олсак $V_a<<1$ ва $V_b<<1$ бўлади, бундан

$$\frac{V_a^2}{2g} \approx \frac{V_b^2}{2g} = 0$$

$$\Delta z = z_a - z_b$$

$$\Delta z + \frac{P_a - P_b}{\rho g} = \Sigma h_{a-b}$$

$$H = \Delta z + \frac{P_a - P_b}{\rho g} = \Sigma h_{ab}$$

Бу ерда $\Sigma h_{a-b} = \Delta h_l + \Delta h_M$

$$\Delta h_l = \lambda \frac{l}{d} \cdot \frac{V^2}{2g}$$

$$\Delta h_M = \Sigma \zeta \frac{V^2}{2g}$$

$$\Sigma h_{a=b} = \left(\lambda \frac{l}{d} + \Sigma \zeta \right) \frac{V^2}{2g}$$

(3) тенгламани (2) га куйсак

$$H = \left(\lambda \frac{l}{d} + \Sigma \zeta \right) \frac{V^2}{2g}$$

бу ерда трубопроводдаги суюқлик тезлиги V

$$V = \frac{1}{\sqrt{\lambda \frac{l}{d} + \Sigma \zeta}} \cdot \sqrt{2gH} \qquad (4)$$

суюқлик сарфига эса

$$Q = \frac{S}{\sqrt{\lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta}} \cdot \sqrt{2gH} = \frac{\pi d^2}{4} \cdot \frac{1}{\sqrt{\lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta}} \cdot \sqrt{2gH}$$

Суюқликнинг трубопровод орқали хавога оқиб чикиши



24-расм.

1-1 ва 2-2 кесимлар учун Бернулли тенгламасини тузсак.

$$z_1 + \frac{P_1}{\rho g} + \frac{V_1^2}{2g} = z_2 + \frac{P_2}{\rho g} + \frac{V_2^2}{2g} + \Sigma h_{1-2}$$

Агар z_1ķH бўлса $V_1 < 1$ бўлса яъни $\frac{V_1^2}{2g} > 0$, V_2ķ0, z_2ķ0 бўлса, у холда

$$H + \frac{P_1}{\rho g} = \frac{P_2}{\rho g} + \frac{V^2}{2g} + \Sigma h_{1-2}$$

$$H + \frac{P_1 - P_2}{\rho g} = \frac{V^2}{2g} + \Sigma h_{1-2}$$

$$\Sigma h_{1-2} = \left(\lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta \right) \frac{V^2}{2g}$$

У холда

$$H + \frac{P_1 - P_2}{\rho g} = \frac{V^2}{2g} + \left(\lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta \right) \frac{V^2}{2g} = \left(1 + \lambda \frac{l}{d} \right) \frac{V^2}{2g} \quad \text{(7) дан}$$

$$V = \frac{1}{\sqrt{1 + \lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta}} \cdot \sqrt{\left(H + \frac{P_1 - P_2}{\rho g} \right) 2g} \quad (8)$$

агар P_1ķP_2ķ$P_{атн}$ бўлса у холда

$$V = \frac{1}{\sqrt{1 + \lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta}} \cdot \sqrt{2gH}$$

суюқлик сарфи эса

$$Q = VS = \frac{\pi d^2}{4} \cdot \frac{1}{\sqrt{1 + \lambda \frac{l}{d} + \Sigma\zeta}} \cdot \sqrt{2gH}$$

Сифонли трубопроводнинг гидравлик хисоби

«Сифон» - сузи грекча бўлиб «трубка» – деган маонони англатади. Суюқликнинг сатхидан баландга трубопроводда суюқликни кўтарилишга сифон дейилади.



25-расм. Сифонли труба

Агар *n-n* кесимида суюқликнинг тинч холатда деб фараз қилсак ва кесиминниг чап тарафида P_1 босим, уни тарафида P_2 босим бўлади.

$$P_1 қ P_0 Қ(-h`\gamma)$$
$$P_2 қ P_0 Қ(-h``\gamma)$$

Бундан кўринадики $P_1>P_2$

Назорат учун саволлар:

1. Очиқ циркуляцияли трубопроводларни гидравлик ҳисоблаш.
2. Ёпиқ циркуляцияли трубопроводларни гидравлик ҳисоблаш.
3. Гидропровод ва насоснинг характеристикаси.
4. Суюқликнинг бир идишдан иккинчи идишга трубопровод орқали оқиб ўтишини ҳисоблаш.
5. Суюқликнинг трубопровод орқали очиқ ҳавога оқиб чиқиши.
6. Сифонли трубопроводлар.
7. Сурувчи (босимли) трубопроводларни хисоблаш
8. Хайдовчи (босимли) трубопроводларни хисоблаш.
9. Бир идишдан иккинчи идишга утувчи трубопроводларни хисоблаш.
10. Насосли трубопроводларни хисоблаш.

17 - МАЪРУЗА

МАВЗУ: Гидродинамик узатмалар

Ўқув модул бирликлари::

1. Гидродинамик узатмалар тушунчаси.
2. Гидроузатмаларни ишлаш принципи.
3. Гидроузатмаларни гурухланиши.
4. Гидроузатмаларни қўллаш сохалари.

Таянч сўз ва иборалар

Гидравлик зарб, тҳлқин, тҳлқин тезлиги, босимни ортиши, босимни камайиши, зичлик, гидравлик таран, суюқлик тезлиги, зарб тҳлқини, зарб босими, эластиклик босими, зарб босими, Жуковский формуласи, Гук қонуни, эластиклик модули.

Муаммоли вазият, савол ёки топшириқ.

1. Гидравлик зарбни ҳосил бҳлиши қайси омилга боғлиқ?
2. Гидравлик зарб труба материали ва девор қалинлигига қандай боғлиқ?
3. Гидравлик зарбнинг зарари ва ундан қандай сақланиш мумкин?
4. Гидравлик зарбдан қандай фойдаланилади?

Гидравлик зарба ҳодисаси

Трубаларда гидравлик зарба ҳодисаси деформацияланувчи трубалардаги кам сиқилувчисуюқликнинг тезлиги ёки босими кескин ўзгарганида ҳосил бўладиган тебранма ҳаракатдан иборатдир. Бу ҳодиса тез содир бўлиб, босимнинг кескин ортиши ва камайиши билан характерланиди. Босимнинг бундай ўзгариши суюқликнинг ва труба деворларининг деформацияланиши билан боғлиқдир.

Гидравлик зарба кўп ҳолларда жўмрак ёки оқимнинг бошқарувчи бирор бошқа қурилманинг тез очилиши ёки ёпилиши натижасида содир бўлади.Унга бошқа ҳодисалар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Трубалардаги гидравлик зарбани биринчи марта проф. Н.Е.Жуковский назарий асослаган ва тажрибада текшириб кўрган ва унинг «О гидролическом ударе, номли асарида (1899 й.) эолон қилинган. Суюқлик v_0 тезлик ва p_0 босим билан ҳаракат қилаётган трубанинг охиридаги кран жўмрак «Ж” бир онда ёпилсин дейлик. У ҳолда кран (ёпилганидан сўнг) биринчи етиб келган суюқлик заррачаларининг тезлиги сўниб уларнинг кнетик энергиялари трубанинг деворларини ва суюқликни деформациялаш ишига айланади. Бу ерда гидравликнинг аввал кўрилган бўлимларидаги каби суюқлик сиқилмайди деб ҳисобламай, унинг сиқилиши оз миқдорда бўлса ҳам ҳисобга олишга тўғри келади, чунки шу сиқлиш катта ва чекли миқдордаги зарба босими $\Delta p_З$ ни вужудга келтиради. Шундай қилиб жумрак олдида ҳосил бўлган $\Delta p_З$ қўшимча босимга мос равишда труба деворлари чўзилиб, суюқлик сиқилади. Жўмрак олдида тўҳтатилган суюқлик заррачаларига қўшни бўлган заррачалар ҳам етиб келади ва уларнинг ҳам тезликлари сўнади.

Натижада босим ошиш чегараси (а-а кесим) жўмракдан таъминловчи идиш томонга, зарба тўлқинининг тезлиги деб аталувчи а тезлик билан силжиб боради. Босими $\Delta p_З$ га ўзгарган соҳанинг ўзи эса зарба тўлқини деб аталади. Бу тўлқин идишга етиб борганда эса, суюқлик бутун труба бўйича тўхтаган ва сиқилган бўлиб, труба деворлари эса бутунлай чўзилган бўлади. Босимнинг зарбали ортиши $\Delta p_З$ эса труба бутунлай тарқалган бўлади. Лекин трубадаги суюқлик кенг вазнли ҳолатда бўлмайди. Босимлар фарқи $\Delta p_З$ таъсирида суюқлик трубадан идишга ооқа бошлайди. Бу оқим идишнинг бевосита олдида турган зарралардан бошланиб, унинг ченгараси (а-а кесим, тескари йўналишда) кран томонга а тезлик билан ҳаракат қилади ва кетида тикланган p_0 босимли v_0 тезликка эса суюқлик оқимин қолдиради. Суюқлик ва труба дворлари эластик деб қаралиб, p_0 босими тикланиши билан ўз ҳолига қайтади. Деформация иши қайта кнетик энергияга айланиб, суюқлик яна аввалги v_0 тезлигига эса бўлади ва тескари йўналишда оқа бошлайди. Суюқолик устуни ана шу тезлик билан оқишда давом этиб, жўмракдан узилишга интилади. Натижада крандан идишга а тезликда ҳаракат қилувчи манфий зарра тўлқини вужудга келади ва у босимни $\Delta p_З$ га камайтириб, труба деворини торайтириб, суюқликни кенгайтиради. Суюқликнинг кинетик энергияси эса яна деформация ишига айланади, лекин бу иш энди манфий бўлади. Бу ҳаракат давом этиб бориб, манфий зарра тўлқини ҳам идишга етиб келади. Мусбат зарба тўлқинидаги бу каби ҳолат ҳам тенг вазнди бўлмайди ва натижада трубада яна босим тиклана бошлайди, суюқлик эса v_0 тезликка эришади. Идишдан қайтган зарба тўлқини жўмракка етиб бориши билан жўмрак ёпилгандагина ўхшаш ҳодиса яна вужудга келади. Шундан сўнг бутун цикл такрорланади.

Н.Е.Жуковский тажрибаларида бундай циклнинг 12 марта такрорланиши қайд қилинган, лекин ҳар бир навбатдаги циклда, ишқаланиш кучи ва энергиянинг идишдаги суюқликка ўтиши натижасида $\Delta p_З$ камайиб борган. Гидравлик зарбанинг вақт давомида ўтиши 50-расмда диаграмма кўринишад тасвирланган. Диаграмма жўмрак бир онда ёпилган деб қараб, жўмракнинг олдидаги к нуқтадаги босимнинг назариядаги ўзгариши $\Delta p_З$ туташ чизиқ билан тасирланган. Трубанинг ўртасида в нуқтага зарба босими $\frac{l}{2a}$ вақтга кечикиб келади ва тўлқиннинг бу нуқтадан идишга бориб қайтиб келгунича, яъни $\frac{l}{a}$ вақт сақланиб туради. Сўнг в нуқтада босим p_0 га тикланади (яъни Δp_3қ0) ва шу ҳолда тескари тўлқин етиб келгунча $\frac{l}{a}$ вақт сақланади.

Босимнинг ҳақиқий ўзгариши ҳам бўлиб, у пнуктир чизиқ билан ифодаланган. Бундай кўринадики ҳақиқий босим графиги тик ўзгаргани билан, бу ўзгариш кескин эмас. Бундан ташқариш, тебраниш сўниб боради, яъни унинг амплитудаси энергиянинг сарф бўлиш ҳисобига камайиб боради.

Гидравлик зарба вақтида бўладиган ўзгаришларни ва зарба кучини ҳисобга олиш учун зарба босими Δp_3 нинг қийматини аниқлаш керак. Бунинг учун зарба босими остида суюқликнинг сиқилган ҳоли учун ҳаракат миқдорини ўзгариши ҳақидаги теоремани қўллаймиз. Шу мақсадда трубадаги суюқликнинг dx элементар масофага dt вақтда силжишини кўрамиз. Бунинг учун бирор вақтда трубадаги суюқликнинг жўмрак олди даги Δl бўлаги зарба таъсирида сиқилган бўлсин. У ҳолда суюқликка идиш томонидан P_1қp_0S босим кучини, кран томонидан эса P_2қ(p_0ҚΔp_3)·S кучи dt вақт таъсир қилади. Суюқликнинг зарба етиб келмаган қисмининг ҳаракат миқдори $\rho s v_0 dx$, зарба таъсири остидаги қисмининг ҳаракат миқдори ρs·Q·dx бўлади. Шундай қилиб, кўрилаётган ҳолда ҳаракат миқдорининг ўзгариши ҳақидаги теорема қўлланган мувозанат тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$(p_0 Қ \Delta p_3)Sdt\text{-}d_0 Sdt қ \rho S v_0 dx$$

Бу тингликдан

$$\Delta p_3 Sdt қ \rho S v_0 dx$$

ёки

$$\Delta p_3 қ \rho v_0 \frac{dx}{dt}$$

Бу ерда $\frac{dx}{dt}$ - зарба тўлқинининг тарқалиш тезлиги.

$$a қ \frac{dx}{dt}$$

дан иборат ва охирги тенглама қуйидагича ёзилади:

$$\Delta p3 қ \rho \cdot v0a$$

Бу формула Н.Е.Жуковаский формуласидир. Ундан кўринатидики, гидравлик зарба босими суюқликнинг зичлиги, тезлиги ва шу суюқликда тўлқин тарқалиши тезлигига пропорционал бўлиб уларнинг кўпайтмасига тенг. Агар суюқликда тўлқинг тарқалиш тезлигини аниқласак, тезликни ўлчаб (зичлик жадвалларидани маълум), формула ёрдамида зарба босимини топа оламиз. Шуни айтиш керакки, а суюқликнинг ва трубанинг эластиклик хоссаларига боғлиқ. Бу боғлиқликни аниқлаш учун трубадаги суюқлик кнетик энергиясининг деформацияга сарф бўладиган ишга айланишини текширамиз. Радиуси R бўлган тубадаги суюқликнинг кинетик энергияси қуйидагига тенг:

$$\frac{mv_0^2}{2} = \frac{1}{2}\pi R^2 l\rho v_0^2$$

Трубани деформациялашга кетган иши A_1 кучининг чўзилишга кўпайтмасининг ярмига тенг. Деформация ишини зарба кучининг ΔR йўлга сарф бўлган иш сифатини топамиз:

$$\boldsymbol{A_1}\text{қ}\frac{1}{2}\boldsymbol{\Delta p_3 2\pi Rl\Delta R}$$

Гук қолнунига асосан

$$\boldsymbol{\sigma}\text{қ}\boldsymbol{E}\frac{\Delta R}{R}$$

Бу ерда σ-труба деворидаги нормал зўриқиш,у турабнинг қалинлиги δ ва зарба кучи Δp_3 билан қуйидагича боғланган:

$$\boldsymbol{\sigma}\text{қ}\ \frac{\Delta p_3}{\delta}\boldsymbol{R}$$

Бу муносабатлардан фойдаланиб трубани деформациялаш ишини қуйидагича ёзимиз:

$$\boldsymbol{A_1}\text{қ}\frac{\Delta p_0^2 \pi R^3 l}{\delta E}$$

Энди трубадаги суюқликни Δl масофадаги (52-расм) сиқиш иши A_2 ни топамиз. Бунда сиқилган суюқлик сарфи $S\cdot\Delta l$ десак,

$$\boldsymbol{A_2}\text{қ}\frac{1}{2}\boldsymbol{\cdot S\Delta l\Delta p_3}\text{қ}\frac{\pi R^2}{2}\boldsymbol{\Delta l\cdot\Delta p_3}$$

Гук қонунига ўхшаш, суюқликнинг чизиқли чўзилиши харба кучи билан қуйидагича боғланган:

$$\Delta p_3\text{қ}K\frac{\Delta l}{l}$$

бу ерда К-суюқликнинг эластикли модули. У ҳолда

$$\boldsymbol{A_2}\text{қ}\frac{1}{2}\ \frac{\Delta p_0^2\pi R^2 l}{K}$$

Кинетик энергия А1 ва А2 ишларнинг қиьиндисига тенг, яъни

$$\frac{1}{2}\pi R^2\rho v_0^2\ \ \frac{\Delta p_0^2\pi R^3 l}{\delta E}\text{Қ}\frac{\Delta p_0^2\pi R^2 l}{K}$$

Бу тенгламани Δp_3 га нисбатан ексак

$$\Delta p_3 = \rho v_0\frac{1}{\sqrt{\frac{\rho}{K}+\frac{2\rho R}{\delta E}}}$$

Н.Е.Жуковский формуласини умумийроқ кўринишда топдик. Охирги икала формулани солиштирсак, суюқликда тўлқин тарқалиш тезлиги учун қуйидаги формулани оламиз:

$$\boldsymbol{a}\text{қ}\frac{1}{\sqrt{\frac{\rho}{K}+\frac{2\rho R}{\delta E}}}$$

Бу миқдорнинг ўлчови тезлик ўлчовига тенг. Унинг физик маоносини аниқлаш учун трубани деформацияланмайдиган (яъни Еқ∞) деб қараймиз. У ҳолда илдиз остидаги иккинчи ҳад нолга айланади ва

$$\boldsymbol{a}\text{қ}\sqrt{\frac{K}{\rho}}$$

бўлиб қолади. Охирги формула зичлиги ρ ва элактикли модуоли К бўлган бир жинсли суюқлик учун товуш тезлигидан иборатдир. Шундай қилиб, трубаларда гидравлик зарба тўлқинининг тарқалиш тезлиги формула ёрдамида ҳисобланади. Бц тезлик сув учун 1435 м/с, бензин 1116 м/с, ёьлар учун 1400 м/с деб тахминий ҳисоблаш мумкин. Албатта, трубанинг материалига қараб у кўпроқ ёки камроқ бўлади.

Гидравлик зарбани сусайтириш усуллари

Гидравлик зарба таъсирини сусайтириш турли усуллари билан амалга оширилади.

Биринчи усул - жўмракнинг кескин очилиш ёки ёпилиш вақти t ни узайтириб, $t > \frac{2l}{a}$ га тенг етказиш йўли билан тўғри гидравлик зарбани йўқотиб, Δp_3 ни камайтириш. Бу иш, одатда дроселли реле ёрдамида бажарилади. Одатда, жўмракнинг ҳолати (очиқ ёки ёпиқлиги) суюқлик трубапроводга реле орқали ўтгани учун унинг сарфи (демак, тезлиги) пружинали клапан ёрдамида аста-секин ўзгариб, маълум вақтдан кейин керакли қийматга етади. Тажрибаларнинг кўрсатишича трубалар зарбасиз туташтириш босимнинг ўзгариши 22 МН/$м^2$ атрофида ва $t \approx 0{,}1$ с бўлганда ишончли таъминланади.

Иккинчи усул - трубаларга гидравлик зарбани сўнгдиргич (компенсатор) лар ўрнатиш. Сўнгдиргичлар трубадаги суюқликка нисбатан юқори сиқилувчанлик хусусиятига эга бўлган эластик элементли идишлар бўлби, турли конструктив тузилишга эга. Энг кўп тарқалган сўнгдиргичлар элактик элементи пружина ва газ бўлган поршенли, мембранали ва клапанли сўнгдиргичлардир. Сўнгдиргичлар, одатда, зарба туьдирувчи (жўмрак) ёки зарбадан ҳимояланувчи қисм ёнига ўрнатилади. Улар ёрдамида зарба босимининг камайиши сўнгдиргичга суюқлик оқими билан бирга келган кнетик энергиянинг эластик элементлар томонидан ютилиш ҳисобига амалга ошади. Сўнгдиргичнинг эластик элементи қанча кўп деформацияланса, ютилган энергия ҳам шунча кўп бўлади. Шунинг учун эластик элементнинг эластик характеристикаси имкон берган чегарада мумкин бўлган деформациянинг ўзгармас бўлишига ҳаракат қилиш керак бўлади. Бу эса газли сўнгдиргичларда газ бўлмасини шундай танлаб олишни тақозо қиладики, зарба тўлқининг ютилишида босимнинг ўзгариши минимал бўлиши керак. Амалда бундай сўнгдиргичларда газ бўлмасининг ҳажсми трубадаги суюқликнинг икки секунтлик сарфига тенг қилиб олинади, бошланғич босими эса магистралдаги максимал босимдан кўпроқ бўлиши зарур.

Поршенли сўнгдиргичларнинг камчилиги уларнинг инетлиги бўлиб, бу поршеннинг массаси ва ишқаланиш кучига боғлиқлиги ва унга труба билан сўнгдиргични туташтирувчи каналдаги суюқликнинг инертлиги қўшилади. Бу кучлар зарба тўлқининг сўнгдиргич поршенининг таъсири натижасида гармоник тебраниш вужудга келишига сабаб ва натижада сўнгдиргич ҳамда трубадаги босим тебраниши қўшилиб, каналдаги босим зарба босимидан ошиб кетиши мумкин. Натижада сўнгдиргич зарба энергиясини ютиш ўрнига кучайтириш мумкин. Инертликни камайтириш мақсадида сўнгдиргични газ ёки суюқликни ажратувчи эластик мембрана билан таъминланади. Юқоридаги айтилганидек сўнгдиргичда тебранма ҳаракатнинг пайдо бўлиши ва зарба тўлқининг кучайишига труба билан сўнгдиргични туташтирувчи каналнинг узунлиги ва диаметрининг таъсири бор эканлиги тажрибалардар текширилган. Шунинг учун каналнинг узунлиги ва диаметрини тўлқинларга кароқ таъсир қиладиган қилиб танлаб олинади. Зарба тўлқинларини клапанли сўнгдиргичлар ёрдамида ҳам сусайтириш мумкин. Бу ҳолда клапан ва энергияни ютувчи эластик элементларнинг инертлигини иложи борича камайтирилади.

Калпанли сусайтиргичга кирган суюқликнинг элактик элементга таъсирини камайтириш ва унинг яқинроқ ишлашини таъминлаш учун суюқликнинг атмосферага оқиб кетишига хизмат қилувчи қисми бўлади.

Учинчи усул - гидравлик зарба пайдо бўлиши кутирадиган трубанинг узунлигини ошириш. Бу ҳолда қаршилик кучининг ҳисобига энергиякамайиши ва зарба тўлқини даврининг ортиши натижасида тўбри зарбани йўқотиш йўли билан зарба тўлқининг таъсири камайтирилади.

Гидравлик зарбадан амалда фойдаланиш

Техникада баъзи ҳолларда гидравлик зарбадан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, гидравлик зарба энергиясидан суюқликни юқороига кўтариш учун фойдаланилади. Шу мақсадда ишлатиладиган қурилма гидравлик таран дейилади.

Гидравлик тараннинг тузилиши жуда содда бўлиб, унинг асосий қисмлари ҳаво қалпоьи ва ҳабарчи калпандан иборатдир.

Таъминловчи идиш 1 дан труба 2 орқали оқаётган суқблик клапан 3 орқали оқаётган бўлади.

Гидротаран иш циклининг бу даври тезланиш даври дейилади. Клапан 3 га киришда оқимнинг кесими торайиб боради (тирқиш 4) ва Бернулли принципига асосан суюқликнинг тезлиги ортиб, босими камайиб боради. Натижада кесимнинг энг торайган ерида босим шунчалик камаядики, клапан 3 пружинанинг қаршилини енгиб, тирқиш 4 ни ёпиб қўяди. Бу ёпилиш бир онда



54-расм. Гидравлик таран.

(секутнинг кичик улушларида) бўлгани учун системада гидравлик зарба тарқалади. Гидравлик зарба босими таъсирида клапан 6 очилиб, хаво қалпоьига суюқлик зарб билан киради ва ундаги ҳавони сиқади. Шу билан бирга зарба кучи суюқликнинг бир қисмини ҳайдаш трубаси 7 орқали қабул қилувчи идиш 8 га чиқариб беради. Гидйотаран иш циклининг бу даври ҳайдаш даври дейилади. Зарба босими ҳаво қалпоьида сўниб ва труба таъминловчи идиш сатҳ баландлини H_1 билан ифодаланувчи нормал бочим тикланади ёки тескари зарба ҳосил бўлиб, трубада босим камаяди. Натижада клапан 3 очилиб, гидротаранда цикл яна такрорланиши учун шароит вужудга келади. Гидротаранларни ҳисоблашда фойдали иш коэффициентини аниқлаш учун Эйтелрвейн қуйидаги формулани таклиф қилган:

$$\eta қ1.12\text{-}0{,}2\sqrt{\frac{H_2 - H_1}{H_1}}$$

бу ерда H_1, H_2 - таъминловчи ва қабул қилувчи идишдаги суюқлик сатҳининг баландлиги.

Баъзида зарба босими Δp_3 ни камайтиришдан кўра системанинг заиф қисмларининг мустаҳамкамлигини оширишни афзал кўрилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Гидравлик зарбани ҳосил бўлиши.
2. Жуковский тенгламаси.
3. Гидравлик зарбадан фоойдаланиш.
4. Гидравлик зарбани сусайтириш.
5. Ҳаво болишларини ҳосил қилиш.

6. Гидравлик зарбада босим фазалари.
7. Гидравлик зарбани сўниши.
8. Гидравлик зарб босимини сусайтириш.
9. Гидравлик зарб босимидан фойдаланиш хакида тушунча беринг.
10.Гидравлик зарбадан амалда кандай фойдаланилади.

Адабиётлар

1. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари:

А) КМК 2.04.02 –97 «Сув таҳминоти ташқи тармоқлар ва жиҳозлар”

Б) КМК 2.04.01 – 98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси”

В) КМК 2.04.03 – 97 «Сувокава. Ташқи тармоқлар ва жиҳозлар”

Г) КМК 3.05.01 – 97 «Ички санитария – техник тизимлари”

Д) КМК 3.05.04 - 97 «Сув тарминоти ва сувоқава ташқи тармоқлари ҳамда жиҳозлари”

Е) КМК 1.01.04 – 98 «Меоморий – қурилиши атамалари”

2. Калицун «Гидравлика, водоснабжения и канализация”

3. Ф.И.Грингауз «Санитария техникасига доир ишлар” 1977.

4. К.Ш.Латипов «Гидравлика гидромашиналар ва гидроюритмалар” 1992.